ДАВЛАТ — ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ КАФИЛИ

«Нега ўқувчиларнинг сумкаси бир хил?» – деб сўрашибди. Ў 1-синф ўқувчиларига ўқув қуроллари, сумка, китоблар бепул берилишини айтганида улар ҳайратда қолишибди.

3 бет

ЯХШИЛИК ҚИЛИШДАН ЧАРЧАМАЙЛИК

– Қариндошлар ўртасидаги никоҳ, наркотик моддаларни истеъмол қилиш оқибатида баъзи болаларнинг нуқсонли бўлиб дунёга келишига ота-оналарнинг ўзлари сабабчи...

4 бет

БУЗҒУНЧИНИНГ КАСОФАТИ

«Нима дейсиз, чидасангиз шу, хоҳламасангиз катта кўча, борган жойингизга бораверинг. Сиздан бошқаси ҳам бор. Керак бўлса кўзингизнинг олдида...»

10 бет

ОЙИНГНИ СОҒИНДИНГМИ, ҚИЗАЛОҚ

Айтганларингни қиламан.. Бунча йўқ ёнимда. Икки кундан кейин... Эртага дейсизми? Уриниб кўраман.

11 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Нидо

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2007-yil 15-mart, № 11 (532)

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

Сарҳисоб

Ҳакимбой ҲАЛИМОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокурори

Мақсад – халқ фаровонлигига эришиш

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан 2006 йилда қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш борасида бир қатор соҳаларга устувор аҳамият берилди. Жумладан, аҳолини иш билан таъминлаш дастурига асосан 1916 та янги иш ўрни ташкил этилди. Ҳозир республика бўйича меҳнат бўлимларига иш сўраб мурожаат қилган 23 минг 931 шахсдан 17 минг 568 шахснинг 73,4 фоизи иш билан таъминланган. Тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда бир қатор қонунбузарликларга чек қўйилди. Текширишлар натижасига кўра 120 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланиб, 72 киши интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди, 6 та жиноят иши қўзғатилди. Масалан, «Савдогарбанк»нинг Хўжайли бўлими мансабдорлари 2006 йил январ ойида тадбиркор Ж.Тўхтабоевнинг ҳисобидаги 4 млн. сўм пулни унинг рухсатисиз талон-тарож қилганлиги юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Суд томонидан банкнинг туман бўлими бошлиғи А.Ўрозниязов айбли деб топилиб, 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича ўтказилган 53 та текширишда аниқланган қонунбузилишларни бартараф қилиш учун 57 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланиб, 38 киши интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди. Нукус шаҳридаги «Зийнет-комплект» МЧЖ бошлиғи Б.Раҳимова савдодан тушган 231 млн. 443 минг сўм пулни банкка топширишдан бўйин товлаб келганлиги юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Иш судга ўтказилиб, Б.Раҳимова қонуний жазосини олди.

Ўзбекистон Президентининг 2004 йил 11 март кунги «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижроси прокуратура органларининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Хусусан, 2006 йили 493 та текшириш ўтказилиб, аниқланган қонунбузилишларни бартараф қилиш юзасидан 8029 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланди. 2273 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, жиддий қонунбузилишлар бўйича 70 та жиноят иши қўзғатилди, 202 млн. 767 минг сўмлик зарарни айбдорлар ихтиёрий равишда тўлашди. 3 млрд. 872 млн. 436 минг сўмни ундириш юзасидан судларга 1436 та даъво аризаси киритилди. Суд ижро ҳужжатлари асосида 1 млрд. 334 млн. сўмлик зарар ундирилди.

(Давоми 2-бетда).

Анъана

Республика Ҳарбий прокуратураси раҳбарияти бошчилигида барча ҳарбий прокуратура офицерлари ва ходимлари шу йилнинг 10 — 11 март кунлари мамлакатимизда ўтказилган умумхалқ ҳайрия ҳашарида фаол қатнашиб, юртимизни ободонлаштиришга беминнат ҳиссасини қўшдилар.

Юртимиз обод ва кўркам бўлсин

Ҳашар кунлари ҳарбий прокуратура органларининг бинолари жойлашган кўчалар атрофи ва бино ҳудудидаги гулзорлар тозаланди. Мевали ва манзарали дарахтлар ҳамда турфа гул кўчатлари ўтқазилди. Бу тадбир барчамизни бир-биримизга янада яқинроқ, қадрлироқ қилиб, ёшларимизга миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизнинг тарбиявий таъсирини кўрсатди. Чунки шу кунларда юртимизни ободонлаштириш мақсадида шаҳар ва қишлоқ кўчаларига чиққан кекса ёшдаги отахон ва онахонлар, аёл-у эркак, йигит-қизлар билан бир қаторда ёш болаларнинг завқ-шавқини кўрган бошқа миллат вакиллари ўзбек халқининг ҳашарга бўлган муносабатини ва юртдошларимизнинг ватанимизни қанчалик севишларига гувоҳ бўлдилар.

Бундай эзгу анъаналар давом этаверади.

Шариф ЎРИНОВ,
Республика Ҳарбий прокуратураси бўлим прокурори

Юртимизнинг ҳамма жойида бўлгани каби Бўка туманида ҳам Наврўз байрамига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Туман ҳудуди янада ободонлаштириляб, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бу тадбирлардан туман прокуратураси ҳам четда қолгани йўқ, албатта. Яқинда бўлиб ўтган умумхалқ ҳашари ниҳоясига етгач, туман прокуратурасида яна бир хайрли ишга қўл урилди. Дошқозонда баҳор таоми — сумалак тайёрланиб, дастурхонларга тортилди. Сумалак сайлида туман прокуратурасининг ҳамма ходимлари иштирок этишди.

Фармон ва ижро

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармони мамлакатимизнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида туб ўзгариш ясади десак муболаға бўлмайди. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш ўта долзарб масала бўлганлиги сабабли олимлар, тажрибали юристлар фикрини билдириши, тортишувлар бўлиши мумкин. Қанчалик кўпроқ фикр айтилса, таклифлар берилса, қабул қилиниши кўзда тутилган қонунлар пухта ишлаб чиқилади.

Баъзан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судга бериб бўлмайди, судлар ҳали бунга тайёр эмас деган фикрлар ҳам билдирилаяптики, уларни хато деб ўйлаймиз. Ўзбекистон Конституциясининг 26-моддасига кўра жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Шундай экан, шахсни қамоққа олиш ёки олмасликлар масаласини ҳам суднинг ўзи ҳал қилиши конституциянинг юқоридаги моддасига тўлиқ мос келади.

Илгари туман, шаҳар судларининг иш ҳажми катта бўлиб, уларда ҳам фуқаролик, ҳам жиноят ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари кўрилар эди. Бундан ташқари, судлар суд қарорларининг ижросини ҳам назорат қилардилар. Эндиликда туманларда суд ижрочилари бўлинмаси ташкил қилиниб, судлар бу ишдан озод қилинди, жойларда жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича алоҳида судлар ташкил этилди. Жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш зарурияти ҳам анча камайди. Амалга оширилган ишларни ҳисобга олсак, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғри бўлади деб ишонч билан айтиш мумкин. Шу муносабат билан амалдаги қонунларга бир қатор қўшимча ва ўзгартиришлар киритилади. Чунки жиноят содир этган шахсни гумон қилинувчи тариқасида ушлаш, қамоққа олишга санкция (рухсат) сўраб судга мурожаат қилиш, судда бу масалани кўриб ҳал қилиш ва суд томонидан қамоққа олишга санкция берилганда ва санкция бериш рад этилганда бир қанча ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқади. Бу масалалар қандай тартибда ҳал қилиниши кераклиги ЖПКда аниқ кўрсатилиши лозим.

Бизнингча, қонунларга киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришларда қуйидаги масалалар ифодасини топиши керак. Жумладан, қамоққа олишга санкция бериш ҳақида терговчи тегишли судга тақдимнома тайёрласа, прокурор тақдимнома билан келишган тақдирда, уни жиноят иши билан бирга тегишли судга кўриб чиқиш ҳақида сўров хати орқали юборса, суд эса уни якка тартибда кўриб, қарор чиқариш билан қамоққа олишга санкция бериш ёки уни рад этиш масаласини ҳал қилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Қонунчиликка киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар судларга энг қисқа ва соддалаштирилган тартибда санкция бериш ёки бермаслик тўғрисида қарор чиқариш имконини бериши лозим. Бу эса тергов органларига жиноят ишини тергов қилиш ва фош этишда тезкорликни сақлаб қолиш имконини беради.

(Давоми 2-бетда).

Мақсад – халқ фаровонлигига эришиш

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Прокуратура органлари аралашуви билан 10 та фермер хўжалигига 140,9 гектардан ортиқроқ ер ажратиб берилди, 64 та фермер хўжалигига 424,6 тоннадан ортиқ минерал ўғит, 21,3 тоннадан ортиқроқ ёнилғи олишда ёрдам кўрсатилди. 2 та фермер хўжалигининг 3 млн. сўмлик муддати ўтган дебиторлик қарзи ундириб берилди. Фермер хўжалиги ташкил этолмай сарсон бўлиб юрган 16 та фуқарога ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари жойларда 64 та биолаборатория мавжуд, уларнинг нормал ишлаши учун зарур бўлган нарсалар ўз вақтида олиб берилмоқда.

Республика бўйича 12 минг 992 тонна пахта режасини бажара олмаган 578 қишлоқ хўжалиги субъектидан 1 млрд. 329 млн. сўмлик зарарни ундириш ва 2053 гектар ерни ижарага олиш шартномасини бекор қилиш юзасидан хўжалик судига 31 та даъво аризаси киритилиб, тўлиқ қаноатлантирилди.

Ғалла етиштириш шартномасини бажара олмаган 98 та қишлоқ хўжалиги субъектидан 63 млн. 994 минг сўмлик зарарни ундириш учун судларга 102 та даъво аризаси киритиб, барчаси қаноатлантирилди.

Қорақалпоғистон бўйича минерал ўғитлардан бўлган қарздорлик камайган бир пайтда Беруний туманида ошиб кетганлиги аниқланди.

Бу ҳолат текшириб кўрилганда, «Қишлоқхўжаликкимё»нинг Беруний филиали умуман пахта ва ғалла экмаган хўжаликларга 27,7 млн. сўмлик ўғитларни олдиндан тўловсиз бериб юборганлиги, 1 млн. 84 минг сўмлик 5 тонна минерал ўғит талон-тарож қилинганлиги аниқланди. Дастлабки тергов жараёнида 44 та фермер хўжалигидан 17 млн. 264 минг сўм, минерал ўғит олиб қарздор бўлиб қолган ва муддатини ўтказган хўжалик юритувчи субъектлардан 727 млн. 835 минг сўм ундирилди.

Иқтисодий жиноятларни аниқлаш ва тергов қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Хўжайлидаги «Турон» акциядорлик жамияти мансабдорлари жамиятнинг 478 млн. 919 минг сўмлик маҳсулотларини хўжжатларни қалбакилаштириш йўли билан талон-тарож қилганлиги юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки терговнинг ўзида етказилган зарар тўлиқ ундирилди. Шундан 51 млн. сўмликдан ортиқроқ зарар нақд пул ҳисобида ўрнига қўйилди, жамият раиси А.Султонов ва бош ҳисобчи Д.Худайбергенова ҳамда уларнинг жиноий шериклари қонуний жазоланди.

«Амударё АТК» МЧЖ мансабдорлари ноқонуний йўллар билан ўтказилган кимошди савдосида жамиятга тегишли 74 млн. 277 минг сўмлик 20 та транспорт воситасини сохта хужжатлар асосида талон-тарож қилганлиги фош этилди. Дастлабки терговда жамиятга етказилган 89 млн. 990 минг сўмлик зарар тўлиқ ундирилиб, айбдорлар тегишли жазосини олди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда рўй бераётган чуқур ўзгаришларни иқтисодиётдаги юксалишлар самараси дейиш мумкин. Мазкур соҳада олиб борилаётган изчил сиёсат аввало халқ фаровонлигининг ошишига, аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиб боришига қаратилган. Бироқ шундай шароитда ҳам иқтисодиётга оид жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг ҳамон сақланиб келаётгани, янги кўринишларда намоён бўлаётгани унга қарши қурашни янада кучайтиришни талаб этмоқда.

Бу жараён нафақат ҳуқуқ-тартибот органлари, балки барча мутасадди идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқаролар зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди.

СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНГАН ИШОНЧ

Пойтахтимизнинг Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчасида жойлашган «Peraston» қўшма корхонаси импорт шартномалари асосида хориждан «Нестле» фирмаси кофе ва озиқ-овқат маҳсулотларини, «Юнилевер» фирмасининг парфюмерия ва косметика маҳсулотларини келтириб улгуржи савдо қилиб келади. Бир қарашда бозорни харидоргир моллар билан таъминлашга ҳисса қўшиб келаётган «Peraston»да ҳамма иш рисоладагидай кўринарди. Аслида ҳам шундайми?

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан корхонанинг айрим ходимлари фаолиятида шубҳали ҳолатлар кузатилгач, тезкор тадбир режаси ишлаб чиқилади. Унга кўра қўшма корхона маҳсулотларини тарқатиш билан шуғулланаётган ҳайдовчи-экспедиторлар Д.Курганбаев, А.Курганбаев ва А.Худоёровлар бошқарувидаги «Дамас» машиналари тўхтатилиб кўздан кечирилганда, шубҳалар асосли эканлиги аён бўлади. Яъни, «Peraston» омбор мудирлари А.Исмоилов, Б.Ҳакимов, И.Ҳалимбетовлар ҳайдовчи-экспедиторлар Д.Курганбаев, А.Курганбаев ва А.Худоёровлар билан тил бириктириб, корхонага жиддий зиён етказиб келишгани аниқланади. Улар ишончни суиистеъмол қилишиб, ўзларига топширилган корхона мулкини харидорларга ноқонуний равишда нақд пулга сотиш ва ўзлаштириш билан шуғулланиб келишган.

Хусусан, Д.Курганбаев бошқарувидаги машинада 916 минг 850 сўм ва 100 АҚШ доллари билан бирга хужжатлари бўлмаган 846 минг 196 сўмлик, А.Худоёров бошқарувидаги машинада 365 минг 426 сўмлик, корхонага норасмий равишда ёлланган А.Курганбаев бошқарувидаги машинада 733 минг 650 сўм ва 359 минг 746 сўмлик хужжатсиз кофе ва болалар озуқаси борлиги аниқланган.

Бу ашёвий далиллар корхона ходимлари савдо қоидаларини бузиб келаётганидан далолат берарди.

Шундан сўнг юқоридаги ҳолат юзасидан корхона ходимлари аъзо бўлган комиссия иштирокида «Peraston» омборларида бухгалтерия текшириви ўтказилди. Натижада корхона омборларида 5 млн. 866 минг 270 сўмлик ортиқча маҳсулот ва 69 млн. 972 минг 374 сўмлик камомад борлиги аён бўлади.

Хусусан, корхонанинг Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчасида жойлашган, А.Исмоилов мудирлигидаги омборида бухгалтерия хужжатларида акс эттирилмаган, харидорларга нақд пулга сотиш учун мўлжалланган 2 млн. 371 минг 905 сўмлик ортиқча маҳсулот ва 46 млн. 210 минг 268 сўмлик камомад аниқланади. Дастлабки терговда мазкур камомад корхона ходимларидан иборат жиноий гуруҳ маҳсулотларни нақд пулга сотиб, корхонага кирим қилмаганлиги оқибатида келиб чиққани маълум бўлди.

Шундан сўнг корхонанинг Фарғона ва Самарқанд шаҳарларидаги омборларида ўтказилган текширишларда ҳам шундай ҳолатлар аниқланди. Жумладан, Фарғона шаҳри Муродова кўчасида жойлашган В.Охунов мудирлигидаги омборда 878 минг 901 сўмлик ортиқча маҳсулот ва 15 млн. 801 минг 609 сўмлик камомад, Б.Ҳакимов жавобгарлигидаги омборда 2 млн. 503 минг 330 сўмлик ортиқча маҳсулот ва 3 млн. 182 минг 16 сўмлик камомад, Самарқанд шаҳри Рудакий кўчасидаги И.Ҳалимбетов мудирлигидаги омборда эса 112 минг 134 сўмлик ортиқча маҳсулот ва 4 млн. 778 минг 480 сўмлик камомад борлиги аниқланган.

Содир этилган жиноят оқибатида қўшма корхонага етказилган 69 млн. 972 минг 374 сўмлик моддий зарар дастлабки тергов даврида айбдорлардан тўлиқ ундирилди.

Жиноят ишлари бўйича Ҳамза туман судининг ҳукми билан айбдорлар тегишли жазосини олишди.

М.МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ ЙЎЛИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жиноятчиликка қарши курашувчи органлар шундай ваколатлардан фойдаланиши лозимки, унга кўра улар инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини кафолатлаш билан бирга, жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини ҳам таъминлаши керак.

Қамоққа олишга санкция берилган ёки бериш рад этилган суд қароридан фақат гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва прокурор эмас, балки жабрланувчи ҳам шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Чунки жиноят оқибатида фуқаро жабр кўриб, унинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказилганини унутмаслик зарур. Бундай ишларни судда кўришда жабрланувчи иштирок этишга ҳақли эканлиги ҳам қонунда кўрсатилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Қамоққа олишга санкция бериш ва қамоқда сақлаш муддатини узайтириш ўта масъулиятли вазифа, чунки бу процессуал ҳаракат шахс ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ. Шунинг учун бунда одиллик ва холислик принциплари бузилишига йўл қўймаслик керак. Бунинг учун эса қамоққа олишга санкция бериш ваколатига эга бўлган судянинг мустақил бўлишига эришиш ҳамда кейинчалик у шу ишни судда кўриб чиқишда қатнашмаслиги қонунчиликда белгилаб қўйилиши зарур. Чунки судя шахсни қамоққа олишга розилик бериш учун унинг айбдорлиги хусусида маълум бир хулосага келади, демак, субъектив жиҳатдан барибир иш нима билан тугашига қизиқади ва ўз қарорини қувватлашни ўйлайди. Бу эса холислик принципининг бузилишига олиб келиши мумкин.

Бахтиёр ПЎЛАТОВ,
юридик фанлар доктори
Райимберди ХЎЖАҚУЛОВ,
Шўрчи туман прокурорининг ўринбосари

Ер — бебаҳо хазина. Инсонни тўйдирадиган ҳам, кийинтирадиган ҳам ер. Шунинг учун ундан оқилона фойдаланишимиз керак. Ерни талон-тарож қилиш дарахтга чиқиб олиб ўзи ўтирган шохга болта уриш билан баробар. Афсуски, Зомин туман прокуратураси ўтказаётган текширишларда орамизда ердан фойдаланишда қонунбузарликка йўл қўяётган фуқаролар борлиги аниқланмоқда.

Бурч ва масъулият

Зомин туман марказидаги Ғ.Абдуллаев кўчасида 4 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объекти учун 2001 йил 30 апрелда 138 м² жой ажратиб берилган эди. Ер кодексининг 36-моддаси 11-бандига кўра ажратилган ердан икки йил ичида тўлиқ фойдаланилмаган тақдирда эгалик ҳуқуқи бекор қилиниши лозим. Аммо орадан беш йил ўтиб ҳам ушбу майдонда на савдо, на маиший хизмат кўрсатиш объекти қурилди. Фуқароларга берилган ерга эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам бекор қилинмади.

Зомин шаҳрининг «Қайирма» маҳалласида эса 2000 йил 18 декабрда савдо объектлари учун 24 м² ер кимошди савдосига қўйилди. «Оқтепа» маҳалласидаги А.Ниёзматов номли кўча ҳудудида ҳам кимошди савдоси орқали 36 м² жой савдо объектлари қуриш учун берилди. Лекин ҳар икки участкада ҳозиргача бирорта хизмат кўрсатиш объекти қад ростламади. Ушбу соҳа учун масъул мутасаддилар ҳам, фуқаролар ҳам, қонуний муддат ўтиб кетган бўлса-да, ҳалигача объектлар қурилишидан умидвор бўлиб юришибди. Туман прокуратураси ушбу масалаларни яқинда атрофлича ўрганиб чиқиб, тегишли мутасаддиларга нисбатан прокурор таъсир чораларини қўллади.

Хизмат кўрсатиш тармоқларига ер ажратиб беришда кўп ҳолларда Шаҳарсозлик ва Уй-жой кодекси талаблари айрим масъул шахслар томонидан етарлича бажарилмаётганлиги кузатилмоқда. Туман ҳокимининг 2002 йил 27 декабрда автомобилларни сиқилган газ билан таъминлаш шахобчаси (АГНКС-250) қурилиши учун ер ажратиш тўғрисида 1193-қарори чиқарилади. Унга кўра Даштобод кўрғони ҳудудидан 1 гектар ер ажратилади. Аммо ер ажратишда яна қонунбузилишга йўл қўйилади. Берилган майдон катта босимли магистрал газ қувуридан 168 метр узоқда жойлашган. Ҳолбуки, 1997 йили тасдиқланган 2-05-06-97-рақамли қурилишда меъёр ва қоидалар тўғрисидаги қарорга асосан магистрал қувур билан шахобча оралиғи 200 метрдан кам бўлмаслиги лозим эди. Зомин шаҳрининг «Бирлик» маҳалласидаги ёнилғи қуйиш шахобчасига ҳам норматив ҳужжатларга зид равишда 400 м² ер ажратилган. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари 188-бандига кўра шахобчага аслида 1000 м² жой берилиши керак эди. Шунинг учун ҳар иккала ҳолат юзасидан тегишли ташкилотларга протест киритилди.

Ўзбекистон Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг ижроси юзасидан олиб борилган текширишларда тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси ер беришда шошмашошарликка йўл қўйганлиги кузатилди. Фермерга гувоҳнома туман ҳокимлиги танлов комиссиясининг ер участкалари ажратиш тўғрисидаги қароридан сўнггина берилиши лозим эди. Лекин «Нуриддин Яхшибоев», «Холиқ Эшонқулов» фермер хўжаликларини рўйхатга олишда инспекция ходимлари шу талабни «унутишган». Ҳар бир ноқонуний ҳолат юзасидан прокурор таъсир чоралари қўлланди ва хужжатлар қонунга мувофиқлаштирилди. Шунингдек, ердан ўзбошимчалик билан фойдаланаётган 10 кишига нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Ҳ.АБДУЛЛАЕВ,
Зомин туман прокурори

Ўзбекистон Бош прокуратураси Ички ишлар вазирлиги органларида қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси томонидан 2006 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар гиёҳвандликка қарши қураш борасида амалга оширган ишлар таҳлил қилинди.

Аср иллати

Статистик маълумотларга кўра, таъқиқланган экинларни етиштиришга қарши курашиш борасида ҳокимият, маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари имкониятидан кенг фойдаланилмаган. Натижада 2006 йили гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар бир қадар кўпайиб, 494 тани ташкил қилган. Масалан, 2006 йил 18 апрел куни Сурхондарё вилояти Сариосиё туманида яшовчи Х.Муҳаммадиеванинг уйидан 120 ўрамда 129 кг. 573 гр. героин топилган. Тезкор ҳаракатлар давомида унинг эгаси Тожикистон фуқароси А.Холиков эканлиги маълум бўлган.

Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра, Ўзбекистонда ушлаб қолинаётган наркотик моддалар асосан Афғонистонда ишлаб чиқарилган бўлиб, Тожикистоннинг:

1. Турсунзода туманидан – Сурхондарё вилоятининг Ўзун, Денов ва Сариосиё туманлари орқали;

2. Ўратепа туманидан – Сирдарё вилоятининг Гулистон, Янгиер шаҳарлари ва Ховос тумани орқали;

3. Хўжанд шаҳридан – Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳри, Бекобод ва Оҳангарон туманлари орқали олиб ўтилмоқда.

Гиёҳвандлик воситаларининг аксарият қисмини жиноятчилар республикамиз ҳудудига товарлар, турли буюмлар, озиқ-овқатлар, шахсий кийим, автомобил ва темирйўл транспорти ҳамда ўз танасига яшириб олиб ўтишаяпти.

Наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда жамоатчилик билан ҳамкорликни кучайтириш жиноятларни ўз вақтида фош этиш, сифатли тергов қилиш ва жазо муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Б.АБДУВОҲИДОВ,
Республика Бош прокуратураси бошқарма прокурори

Даврлар ўзгариши билан янги анъаналар пайдо бўлиши, эскилари унутилиши одатий ҳол. Башарият тарихида шаманлар кистови билан бирон-бир ҳайвонга сиғиниш, одам ўлганидан кейин унинг хотини, мол-дунёсини у билан бирга кўмиш каби урф-одатлар ҳам бўлганлиги бугунги авлодни ажаблантириши аниқ. Фақаттина давр силсилаларидан ўтган, халқнинг юрагидан жой олган, эзгуликка хизмат қилувчи одатларгина асрлар оша яшаб қолган. Зеро:

Бу гулшан ичраки йўктур бако гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чикса яхшилик била от.

Ҳақиқатан ҳам яхшилик қилмоқлик, муҳтож кишиларга кўмак бермоқликдан улуғроқ фазилат йўқ. Бу икки хислат эса ўзбек халқининг «зуваласи пишитилган» замонлардан бери ўлмас анъанага айланган десак муболаға бўлмас. Айниқса, мустақиллик йилларидан кейин миллий уйғониш, ўз-ўзини англаш йўлидан бораётган мамлакатимизда бу анъана ижтимоий ҳимоя шаклида давлат сиёсатининг ажралмас бўлагига айланди.

Давлат — ижтимоий ҳимоя кафили

ИҚТИСОДИЁТ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — ЎТ БИЛАН СУВМИ?

Тарих ғилдираги бошқа йўлга бурилган пайтда эйфория кайфияти ҳукмронлик қилади. Яъни, ҳиссиётлар жунбушга келиб, ақл сукут сақлайди. Посткоммунистик минтақада бозор иқтисодиётини жорий этиш бошланган дастлабки вақтда ҳам шундай бўлди. Қўшни мамлакатларда «бозор сари 500 кун», «фалажлаб даволаш» каби шовшувли дастурлар ишлаб чиқилган бир пайтда Ўзбекистон раҳбарияти масалага босиқлик билан ёндашди. Гап шундаки, юқорида номи келтирилган шу ва бошқа лойиҳаларнинг таги бўшлиги кўриниб турарди. Ҳаммасидан ачинарлиси, бу дастурларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш умуман кўзда тутилмаганди. Бу дастурларга мувофиқ минглаб кишилар бир дамдаёқ ишсиз, нафақасиз қолиб, бепул тиббий ёрдам ва таълим олишдан маҳрум этиларди. Аввалбошданоқ бундай лойиҳалар Ўзбекистон ҳукумати томонидан танқид қилингани кўпчиликнинг эсида. Ўшанда янги тизимга босқичма-босқич ва албатта аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш орқали ўтиш зарурлиги қатъий белгилаб олинди. Айнан мана шу нуқтаи назар хорижлик назариётчиларни «ранжитди». Уларнинг энг асосий эътирозлари қуйидагича эди:

«Бозор иқтисодиётига тез суръатларда ўтиш зарур; аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ислоҳотлар муддатини чўзиб юборади; агар одамларга истеъмол учун маблағ бериб турилса боқимандалик авж олади, ташаббускорлик йўқолади, ҳаёт учун кураш кайфияти вужудга келмайди».

Бир қараганда бу фикрларда жон бордек. Эммануил Кант таъбири билан айтганда, бу таклифлар «эҳтимол назария учун яхшидир, аммо амалиёт учун яроқсиз». эканлигини хорижлик экспертлар тушуниб етиши учун кўп вақт керак бўлди. Аҳолисининг яримидан кўпи ёшлар ва болалардан иборат бўлган, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 64 фоизи қишлоқ хўжалиги билан банд, бозор инфратузилмаларининг энг оддий механизмлари ҳам ҳали мавжуд бўлмаган бир шароитда ижтимоий ҳимоя энг оқилона йўл эди. Дарвоқе, шунга яқин йўлни 1933 йили АҚШ президенти Франклин Рузвелт ҳам қўллаганди. Қизиқ жиҳати шуки, иқтисодий инқироз туфайли иш жойини йўқотган минглаб кишилар озиқ-овқат, кийимбош, бошпана билан таъминланганлиги учун Рузвелт ҳам танқид ўқига учраган. Ўзбекистон ҳақида гап кетганида эса, орадан ўн беш йил ўтиб кимнинг стратегияси тўғри эканлигига баҳо бериш учун кўпроқ имкониятга эгамиз. Аҳоли кучли ижтимоий ҳимояга олинган бир шароитда бошқалар башорат қилганидек иқтисодий ислоҳотлар сусталашиб кетмади. Аксинча, йилдан йилга бу борада ютуқлар қўлга киритиб борилди. Масалан, 2006 йили ялпи ички маҳсулот 7,3 фоиз, саноат моллари ишлаб чиқариш 10,8 фоиз, қишлоқ хўжалиги 6,2 фоиз, хизмат кўрсатиш кўрсаткичлари 19,5 фоизга ошган. Мутахассислар ҳам буни эътироф этишаётир. Белгия қироллик академиясининг аъзоси Ж.Бланкофф шундай дейди:

«Маошларнинг 36 фоиз оширилиши ҳамда муҳтож одамларга чорак миллиард доллардан зиёд миқдорда ёрдам кўрсатилишини ҳамма жойда ҳам кўриб бўлмайди. 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши эса бу йўналишдаги ишлар давом эттирилишини тасдиқлайди».

«КУПОН»НИ ЭСЛАЙСИЗМИ?

Интернет орқали тарқатилган маълумотларга қараганда, ҳар йили дунёда 14 миллион киши очликдан ўлади. Улардан 6 миллиони болалардир. Қарийб 842 миллион киши эса озиқ-овқат танқислигига дуч келади. Бу ваҳимали рақамлар ҳар қандай кишини ўйлантириб қўйиши аниқ. 21-асрда мана шундай муаммонинг мавжудлиги ачинарли ҳол. Афтидан, баъзи давлатларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялаша олмаганлиги, миллий иқтисодиётни модернизациялашнинг уддасидан чиқолмаганлиги бунинг асосий сабаби бўлса керак. Шунингдек, СССР тарқалиб кетгач, барча янги давлатлар катта ижтимоий муаммолар исканжасида қолди. Тоталитар тузумнинг ноқобиллиги туфайли йиллар давомида йиғилиб қолган ижтимоий муаммолар вазиятни шу даражада кескинлаштиргандики, уни юмшатмасдан туриб бозор иқтисодиётига оғриқсиз ўтишнинг иложи йўқ эди. Айниқса, бозорга ўтишнинг дастлабки йилларидаги пул алмаштириш билан боғлиқ муаммолар аҳолини истеъмол товарлари билан таъминлашда катта қийинчиликларни келтириб чиқарди. Келинг, ўша пайтни бир эслайлик.

Эргаш АЪЗАМОВ, Ширин шаҳридаги маҳалла фаоли:

— Ўша кунларни яхши эслайман. Қишлоқда бор-йўғи битта дўкон бўларди. Унинг ҳам пештахталари бўш турарди. Одамлар эрталабдан навбатда туриб унинг очилишини кутарди. Аҳоли орасида ваҳима тарқаб, топган-тутганини омборларини ғамлаб қўйишга ҳаракат қиларди. Ҳукумат эса четдан истеъмол товарлари сотиб олиш ва аҳолига арзон нархларда тарқатиш учун етарли даражада маблағ ажратди. Шукурки, саккиз турдаги истеъмол учун зарур товарлар рўйхат асосида сотила бошланди. Рублни янгилашга киришилганида муомаладан чиқарилган пулларнинг Ўзбекистонга кириб келиш хавфи туғилди. Чунки бу пуллар ҳали бизда амал қилаётганди. Шунда ҳукуматимиз оқилона йўл тутиб, истеъмол товарларини купонга сотишга ўтди. Ҳар бир оилада қанча одам яшашига қараб товарлар купон ёрдамида тақсимлаб берила бошланди. Четга озиқ-овқат олиб чиқиб кетилишининг олди олинди. Бу тадбир ўз вақтида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг энг самарали усулларидан бири бўлганди.

Бу эътирофга ҳеч нарса қўша олмадим. Агар ўтган ўн беш йил давомида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга оид ишлар рўйхатини тузсак, бу тадбир рўйхатнинг бошида қолган бўларди.

УНУТИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ ҲАҚИҚАТЛАР

Ўтган йили кузда Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги руҳий хасталар сақланадиган муассасага йўлим тушди. Обод, озода муассасадаги вазият билан танишар эканман, давоси йўқ хасталикка чалинган бу инсонларга ачиндим. Биз шифокор билан суҳбатлашиб турганимизда қизиқ бир ҳолат эътиборимни тортди. Дарвоза олдида «Дамас» машинаси тўхтаб, ундан турли қутилар туширилди. Бошқа машинадан эса катта-катта тоғораларда ош, нон ва бошқа егуликлар келтирилди. Менинг саволимга жавобан шифокор бу ердагилар ҳам эътибордан четда эмаслиги, уларга бепул дори-дармон, озиқ-овқат бериб турилишини таъкидлади. Муассаса эса яқинда таъмирланганига гувоҳ бўлдим. Бу йил эса кетма-кет Тошкентдаги қариялар уйи ва болаларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш марказида бўлишга тўғри келди. У ердагиларга ҳам кўмак бериш учун катта маблағ ажратилганини эшитиб кўнглим кўтарилди. Бу ҳали ҳаммаси эмас...

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлайдиган бир дўстим бор. Испан тили бўйича мутахассис бўлгани учун таржимонлик ҳам қилади. У менга бир воқеани айтиб берди.

Севилядан келган меҳмонлар пойтахтимиз билан танишаётиб мактаб ўқувчиларига дуч келишибди. Сайёҳлар таржимон дўстимиздан: «Нега ўқувчиларнинг сумкаси бир хил?» — деб сўрашибди. У 1-синф ўқувчиларига ўқув қуроллари, сумка, китоблар бепул берилишини айтганида улар ҳайратда қолишибди.

Ҳақиқатан мамлакатимизда амалга оширилган баъзи ижтимоий дастурлар хорижликларнинг ҳавасини келтиради. Масалан, аёлларга яратилган имтиёзларни олиб кўрайлик. Уларга уч йиллик декрет таътили берилиши, декрет таътили муносабати билан маблағ ажратилиши, янги туғилган болага 24 ой давомида нафақа бериб турилиши таҳсинга сазовор ишлардандир. Педагог аёлларга эллик ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқининг берилиши ҳам уларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлардан биридир. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, улар халқимизга муносиб турмуш шароитини яратишга қаратилган. Шу боис бундай ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ҳар бир ватандошимизнинг бурчидир.

Абдурахмон МУСТАФОҚУЛОВ,
«Huquq» мухбири

Самарқанд — юртимизнинг жонли тарихи. Ҳар бир қарич ерида бир аллома, бир авлиё, бир саркарданинг ҳоки ётган замин. Бугун қадимий ва навқирон шаҳримизда наврўз насимлари кезмоқда. Кўкламнинг биринчи куниданоқ маҳаллаларда кўча-кўйларнинг тозалигига, ободонлаштиришга қаратилаётган эътибор туфайли талай ишлар бажарилди. Ўз навбатида бу ҳолат наврўз байрамига тайёргарлик ишлари билан боғланиб кетди.

САМАРҚАНД БАЙРАМ ОҒУШИДА

Самарқанд — туризм шаҳри. Бугунги кунда шаҳримизга ташриф буюрган меҳмонлар нафақат аждодларимиз қолдириб кетган буюк меросимиз, балки мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари туфайли қайтадан чирой очаётган шаҳар жамолидан ҳайратга тушишмоқда. Бу муболаға эмас, ҳақиқатан ҳам кейинги уч-тўрт йил ичида юртбошимизнинг ташаббуси билан шаҳарда катта ўзгаришлар юз берди. Шунингдек, вилоятда туризмни ривожлантириш, сайёҳларга жаҳон андозаларига мос шарт-шароит яратиш ҳамда малакали хизмат кўрсатиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилди.

Вилоятимизда ўтган йили ялпи ички маҳсулот ҳажми 8,9 фоиз, саноат ишлаб чиқариши 21,8 фоиз, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш 32 фоиз, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 10,7 фоиз, товар айланиш миқдори 10,3 фоиз, пулли хизмат кўрсатиш ҳажми 24,7 фоиз кўпайди.

Инвестиция киритишни жадаллаштириш натижасида ўзлаштирилган капитал қўйилмалар миқдори 232 млрд. 600 млн. сўмни ёки йил прогнозига нисбатан 108 фоизни ташкил этди.

2006 йилда 832 минг м² якка тартибдаги уй-жойлар, 255,8 км. газ ва 287,8 км. сув узатиш тармоғи, 4547 ўринли 58 та мактаб, 10 минг 470 ўринли 18 та коллеж, 990 ўринли 1 та лицей, 4 та врачлик пункти қурилиб фойдаланишга топширилди. 15 та янги корхона ишга тушди ва 6 та саноат корхонасида ишлаб чиқариш миқдори оширилди.

Ўтган йили тадбиркорлар томонидан 90 та дўкон, 38 та умумий овқатланиш шахобчаси ташкил этилиши боис савдо хизмати кўрсатиш ҳажми 2005 йилга нисбатан 110,3 фоиз ўсиши таъминланди. Бундан ташқари, 60 та ташкилот ва объект давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштиришнинг барча манбаларидан тушган маблағ 1 млрд. 300 млн. сўмни ташкил қилди.

Рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектлари сони ҳисобот даврида йил бошидагига нисбатан 46,4 фоиз, ажратилган кредитлар миқдори 40,6 фоиз ошди. Кичик бизнес соҳасида 26 минг 900 та янги иш ўрни яратилди. Кичик бизнеснинг вилоят ялпи ички маҳсулотидаги улуши 66 фоизни ташкил этди. Фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари сони 19 минг 471 тага етди.

Вилоятда ўтган йили 52 минг 700 та янги иш ўрни яратилиб, бандлик дастури 106,3 фоизга бажарилди.

Улуғ боболаримиз қудрати, ғурурига мос, урф-одатларига монанд равишда Самарқанд 2007 йили ўзининг 2750 йиллик тўйига бутун дунёдан меҳмонларни чорлайди.

Исматилло ЙЎЛДОШЕВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

ЯХШИЛИК ҚИЛИШДАН ЧАРЧАМАЙЛИК

Бир неча кундан сўнг юртимизга баҳорнинг улуғвор айёми Наврўз кириб келади. У барча яхшиликларни ўзида мужассам этувчи муноввар байрамдир. Биз байрам арафасида Тошкент шаҳридаги 1-мурувват уйида бўлиб, у ерда тарбияланаётган болалар билан учрашдик.

— Мен Сафин Ринатман, — деди бизни қарши олган йигит. — Шу ерда ЛФК (жисмоний тарбия бўйича даволовчи) бўйича методист-ўқитувчи ва тренер вазифасида салкам 4 йилдан буён ишлайман. Келинг, яхшиси ўзингиз кўраколинг.

У киши шундай дея бизга физиотерапия, стационар, реанимация хоналари ва спорт залларидаги шароитни бирма-бир кўрсата бошлади.

— Мурувват уйини таъмирлаш ва керакли жиҳозлар билан таъминлашда ҳомийларимизнинг улкан ҳиссаси бор. Россия, АҚШ, Исроил, Жанубий Корея, Сингапур ва Малайзия элчихоналари ҳамда саховатпеша юртдошларимиз ёрдамларини аяшмаяпти.

— Бу ерда ишлашингиздан ҳеч афсусланганмисиз?

— Йўқ. Ҳеч қачон. Мен касбимни жуда яхши кўраман. Меҳрибонлик уйида ота-онасидан турли сабаблар билан айрилган болалар яшайди. Биз уларни ногирон ёки жамият учун кераксиз, деб ҳисобламаймиз. Болалар орасида истеъдодлилари кўп. Ҳар бир бола алоҳида эътиборга муҳтож. Биз уларни 6 гуруҳга ажратганмиз. Гуруҳига қараб жисмоний машқлар қилдирилади. Баъзи умуман юролмайдиган болалар даволовчи машқларнинг самараси туфайли мустақил юра бошлашган. Бундан ташқари, чет давлатларда ногиронлар ўртасида бўлиб ўтган чемпионатларда болаларимиз совриндор бўлиб қайтишди. Масалан, ўғил болалардан Станислав Стас енгил атлетика бўйича, қизлардан Эшонбоева Нигора, Абдуғаниева Марҳамат, Мингбоева Саулс сузиш бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашган.

Узун йўлакдан борар эканмиз, бир аёл рўбарў келди. Опа биз билан сўрашиб, қандай ёрдам кераклигини сўради.

— Бу киши ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Зиля опа Габитова бўлади, — Ринат ака бизни таништирди. — Булар газетадан. Фаолиятимиз ҳақида мақола ёзишмоқчи. Узр, мен ҳозир болалар билан машқ ўтказишим керак эди. Қолганини Зиля опа сўзлаб беради.

Опа хушмуомалалик билан ўқитиш жараёни билан таништира бошлади:

— Бу ердаги болаларни ўқитиш осон эмас. Сабр-тоқат ва катта меҳнат биланғина бирор натижага эриша оламиз. Болаларга алоҳида парвариш керак. Уларни ўз фарзандимиздек кўрамиз. Бирор нима ўзлаштира олган болани кўрсак бирга қувонамиз.

Гуруҳларга ажратилган болалар ёши ва жисмоний қобилиятига қараб бир-биридан фарқланар экан. Зиля опа бизни мусиқа овози келаётган хонага бошлади.

— Наврўзни кутиб олишга тайёргарлик кўраяпсизларми? — дея сўрадик.

— Тўғри, Наврўзга ҳам тайёрланаяпмиз. Аммо сизлар саховатли инсонлардан бири хайрия тадбирини ўтказаётган пайтда келиб қолдингиз. Ҳозир сизларни болалар ва тарбиячилар билан таништириб қўяман, — деди Зиля опа.

Тадбир бўлаётган жойга кириб борганимизда бошқа меҳмонлар ҳам кела бошлади.

— Бу меҳмонлар ким бўлади? — қизиқиб сўраймиз Зиля опадан.

— Булар меҳмон эмас. Олдинда бораётган киши сенатор, Собир Раҳимов тумани ҳокими Бахтиёр Ҳакимов бўлади. Доимо биздан хабар олиб туради. Истасангиз, у киши билан ҳам гаплашишингиз мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳокимга савол бердик:

— Бахтиёр ака, ҳоким сифатида бу ердаги болаларнинг яшаш шароити ва туманда олиб борилаётган ишлар хусусида нима дея оласиз?

— Мурувват уйидаги болаларга яратилган шароитни кўрган бўлсангиз керак. Бугун дастурхон атрофидаги болаларнинг кўзида қувонч акс этяпти. Сахий инсонларнинг мурувватини Оллоҳ даргоҳида қабул қилсин. Бугунги хайрия дастурхонини ёзган киши Иброҳимжон Эркинхўжаевдир. Барака топсин. Кўпнинг дуосини олган одамнинг келажаги порлоқ бўлишига шубҳа қилмайман.

Ҳаёт синовларига бардош беролмай нолиган тўрт мучаси соғ одамларни шу ерга олиб келиш керак. Бу ердаги болаларнинг яшашга интилишини кўриб, бошга келадиган нотўғри-хаёллардан ҳоли бўлиб кетишади.

Туманимизга келсак, бугунги кунда «Эскижўва» маҳалласида ободончилик ва қурилиш ишлари жадал суратда олиб борилаяпти. Турли иншоотлар, катта мактаб ва масжид қад ростламоқда. Зиёратгоҳлар таъмирланаяпти. Собир Раҳимов Тошкент шаҳридаги энг катта туманлардан саналади. Бу ерда йирик корхоналар, завод ва фабрикалар бор. Бир қанча мурувват ва меҳрибонлик уйлари, мактаб, интернат ва касалхоналардаги шарт-шароитни ўз кўзим билан кўриб келаман. Камчиликларни бартараф қилишга ҳаракат қиламиз.

Биз шу ўринда хайрия тадбирини ўтказаётган ҳомий билан танишмоқчи бўлдик. Аммо у киши камтарлик қилиб, ўзини таништиргиси келмади. Икки оғиз гап билан чекланди:

— Савоб иш айтиб қилинмайди.

— Жамоамиз жуда аҳил, — деди мурувват уйи директори Татьяна Саидова. — Аҳиллиқда гап кўп экан. Шарт-шароитларни кўрган бўлсангиз керак. Бунинг учун аввало, давлатимизга, қолаверса барча ҳомийларга миннатдорчилик билдираман. Бу ерда 320 нафар 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар тарбияланади.

— 18 ёшга тўлган йигит-қизларнинг тақдири нима бўлади?

— Уларни республикадаги 33 та марказий бўлимларга жойлаштирамиз. Ҳеч бири эътиборсиз қолмайди.

— Бундай болалар ҳақида фикрингиз қандай?

— Баъзи болаларнинг нуқсонли бўлиб дунёга келишига ота-оналарнинг ўзлари сабабчи бўлиб қолиши ачинарлидир. Қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ, наркотик моддаларни истеъмол қилиш оқибатида бу каби болалар дунёга келишининг олдини олиш эса инсониятнинг ўз қўлида.

Собиқ Иттифоқ даврида «Ногирон ва ақлан заифлар уйи» деб номланувчи муассаса эндиликда «Мурувват уйи» дея номланиши миллатимиз бағрикенглигининг ифодасидир.

— Татьяна опа, сизни, ҳамкасбларингиз ва мурувват уйи болаларини Наврўз байрами билан табриклаймиз.

— Раҳмат. Барчамизга айём муборак бўлсин.

Гули ҲОЖИБОЕВА тайёрлади

Тоза жойга фаришталар келади

Қашқадарё вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармасининг раиси Долли АЛЛАЕВ билан суҳбат

— Долли ака, наврўзолди тайёргарлик ишлари, умумхалқ ҳашари сингари тадбирлар халқимизнинг азалий одатими ёки кейинчалик пайдо бўлган удумлардан бирими?

— Қаҳратон қишнинг қаҳри юмшагач, ота-боболаримиз наврўзга тайёргарлик доирасида ва байрам кунлари бажарган юмушлар ёшлар учун катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган бу анъаналарнинг айримларига тўхталиб ўтайлик.

Инсон боласи борки, тўй ёки байрам арафасида аввало уйини, ҳовлисини саранжом-саришта қилади. Ўзи ҳам ювиниб-тараниб, янги ёки тоза кийимларини кийиб олади. Чунки меҳмон кутиш, тўй ва байрамларни ўтказиш инсоннинг эзгу туйғулари билан боғлиқ. Бундай пайтда одамнинг кўнглидан ғуборлар кўтарилади, дили яйрайди. Қадим замонлардан бери халқимиз наврўзни шундай ҳис-туйғулар, орзу-ҳаваслар билан кутиб олган. Тоза жойга фаришталар келади, кир-чир, ҳунук жойларни шайтон ўзига макон қилади деб ҳисоблашган.

Наврўзга тайёргарликнинг ўз расм-русумлари бўлган. Қишнинг рутубатли кунларидан сўнг жамоа бўлиб уюштирилган ҳашарларда маҳалла, қишлоқ кўчалари, ариқ ва зовурлар тозаланган, чорбоғлар тартибга солинган, кўчатлар ўтказилган. Энг муҳими, одамлар руҳан покланишган, қалблари гўзаллашган, гина-кудуратлар унутилган, ўрушганлар ярашган, ҳатто мамлакатлараро урушларга чек қўйилган. Одамлар бир-бирига яхшилик тилаганлар.

— Жорий йилда вилоятда наврўзга қандай тайёргарлик кўрилаяпти?

— Бугун вилоятимизнинг шаҳар ва қишлоқлари ям-яшил либосга бурканган. Қишдан ҳориб чиққан чўпоннинг ва кўкламга етган деҳқоннинг дилида шукрона, қўли эса дуога очиқ.

2007 йил 16 январда вилоят ҳокимининг «Вилоятда 20 январдан 20 апрелгача ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш уч ойлиги ўтказиш тўғрисида»ги қарори чиққан. Унга кўра вилоятда уч ой давомида 615 минг 200 та манзарали, 479 мингта мевали дарахт ва 956 мингта гул кўчати экиш, 636 та қабристонни ободонлаштириш, 474 километр ариқ ва лотокларни тозалаш, 2581 гектар ерни ободонлаштириш, 2 миллион 720 мингта дарахтга шакл бериш кўзда тутилган. 2007 йил 7 февралда эса вилоят ҳокимининг «Вилоятда саноатбоп терак ва бошқа манзарали ҳамда мевали дарахт кўчатлари сонини кўпайтиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорга асосан 17—18 февраль кунлари воҳада хайрия ҳашари, 4 март куни экологик ҳашар ўтказилди. Президентимизнинг 2007 йил 23 февралдаги «Наврўз умумхалқ байрамини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорига асосан март ойида вилоятимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда 10—11 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди. Унда 1 миллион 60 минг киши қатнашди. Ҳашарлар кўтаринки кайфиятда, уюшқоқлик билан ўтказилди.

Ҳашар кунлари туражжой биноларини, мактаблар, лицей ва коллежлар, корхона, ташкилот ва муассасалар атрофи тозаланиб, ободонлаштирилди. Кўча ва йўл четларига дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилди. Боғларга ишлов берилди.

Соҳибқирон бобомиз Амир Темур «Тузуклар»ида: «Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўн кўчат эктирдим», — дея қайд этган.

Вилоятимизда 2 миллион 530 минг 124 киши яшайди, 563 минг 221 та оила, 582 та маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғини фаолият кўрсатаяпти. Ҳар бир оила аъзоси бир тупдан ниҳол экса, бир йилда 2 миллион 530 минг 142 тўп кўчат ўтқазилади. Бундай ҳаракат билан юртни боғ-у бўстонга айлантириш мумкин. Дарахтлар тупроқ эррозияси ва ёзги гармселларга қарши мустаҳкам тўсиқ эканлиги, шириншакар мевалари инсон учун дармондори вазифасини ўташи ва ҳавони тозалаши эса исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

— Наврўз олдидан «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури доирасида қандай хайрия тадбирлари амалга оширилди?

— Вилоятимизда 112 минг 297 та кам таъминланган оила бўлиб, «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурига асосан уларнинг ҳаммасига ҳомийлар бириктирилди ва байрам олдидан биттадан қорамол берилди. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, уруш ва меҳнат ветеранларининг ҳолидан хабар олиниб, байрам совғалари топширилди. 1140 та кам таъминланган оиланинг уй-жойи ҳашар йўли билан таъмирлаб берилди. Эҳтиёжманд оилаларга ҳомийлар ҳисобидан 48 миллион 590 минг сўмлик, вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳисобидан эса 3 миллион 800 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бундай хайрли тадбирлар йил бўйи давом этади.

— Ҳашар мунасабати билан тўпланган маблағ қандай мақсадларга ишлатилади?

— Ҳашардан тушган маблағлар «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишга, шунингдек, мамлакатимизнинг турли вилоят ва шаҳарларида хизмат қилаётган қашқадарёлик аскарларни кўриб келиш учун ташкил этилаётган сафар харажатларининг бир қисмини қоплашга, хайрия тадбирларини ташкил этиш ҳамда наврўз байрамини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар учун сарфланади.

Норбўта ҒОЗИЕВ суҳбатлашди

Ҳафталик теледастурлар

Сиқиқ TV

2007-yil 15-mart, № 11 (532)

Моҳият

Одам табиатан қизиқ яратилган — бойлигини йўқотса хафа бўладию, умри зое кетаётганига парво қилмайди

Абдулл ФАРОЖ

TV МАРКАЗ канали ҳафталик дастури

19-mart, Dushanba

07.00, 18.00 «Премьера» (ўзб)
07.30, 10.40, 14.00, 16.30, 18.30, 20.50 Ўзбек наволари
08.00, 19.00 «Премьера» (рус)
08.30 «Сайилгоҳ»
08.45 Мировые хиты
09.00 Сериал «Тайная стража» 5-сер.
10.00 «Сўнмас орзулар»
11.00 Кино-SMS. Фильм победитель прошлой недели
13.00, 15.45, 17.30 Мировые хиты
15.00 Теленяня
19.30 Сериал «Тайная стража» 6-сер.
20.30 «Спецрепортаж»
22.00 Х/ф «Большие неприятности»
00.00 Миксер

20-mart, Seshanba

07.00, 13.30, 18.00 Марказ NEWS (ўзб.)
07.10, 10.30, 13.40, 16.30, 17.45, 18.10, 20.25, 21.30 Ўзбек наволари
08.00, 14.30, 19.00 Марказ NEWS (рус.)
08.10 «Навбат» Рашид Холиков билан
09.00 Сериал «Тайная стража» 6-сер.
10.00 «Премьера» (ўзб.)
11.00 Х/ф «Большие неприятности»
13.00, 14.40, 15.45 Мировые хиты
15.00 Теленяня
17.00 «Топ-20»
19.10 Сериал «Тайная стража» 7-сер.
20.10 «Сайилгоҳ»
21.00 «Великолепная семёрка»
22.00 Х/ф «Мисс Конгениальность»
00.10 Миксер

21-mart, Chorshanba

07.00, 18.00 Марказ NEWS (ўзб.)
07.10, 08.25, 10.30, 14.00, 15.45, 18.10, 19.10, 00.20 Наврўз тароналари
07.30 «Премьера» (рус)
08.00, 19.00 Марказ NEWS (рус)
08.10 Сайилгоҳ
09.00 Х/ф «Где ты моя, Зульфия?»
11.30 Миссия неповторима
12.00 Б/ф «Вой дод сумалак»
13.30 «Спецрепортаж»
15.00 Теленяня
17.00 «Бадиий кенгаш» концерт дастури
19.30 Премьера (ўзб)
20.00 «Юлдузли сумалак»
20.30 «ТВ-Марказда Наврўз» байрам дастури
22.00 Б/ф «Оловуддиннинг янги саргузаштлари

22-mart, Payshanba

07.00, 13.30, 18.00 Марказ NEWS (ўзб.)
07.10, 08.25, 10.30, 13.20, 15.45, 18.10, 21.30 Ўзбек наволари
08.00, 14.30, 19.00 Марказ NEWS (рус.)
08.10 «Сайилгоҳ»
09.00 Сериал «Тайная стража».
10.00, 14.40, 16.00, 17.30 Мировые хиты
11.00 Б/ф «Оловуддиннинг янги саргузаштлари»
15.00 Теленяня
17.00 «Великолепная семёрка»
19.10 Сериал «Тайная стража»
20.10 «Спецрепортаж»
20.30 «Премьера» (ўзб)
21.00 «Юлдузли сумалак»
22.00 Киноколлекция «Собор Парижской богоматери»
00.20 Миксер

23-mart, Juma

07.00, 13.30, 18.00 Марказ NEWS (ўзб.)
07.10, 10.00, 13.40, 15.45, 18.10, 19.40, 20.50, 21.45 Ўзбек наволари
08.00, 14.30, 19.00 Марказ NEWS
08.10 «Топ-20»
09.00 Сериал «Тайная стража»
11.00 Киноколлекция «Собор Парижской богоматери»
13.20, 14.40, 17.30 Мировые хиты
15.00 Теленяня
17.00 «Миссия неповторима»
19.10 «Кулинар фантазиялари»
20.10 «Сўнмас орзулар»
21.00 «Премьера» (рус.)
21.30 «Сайилгоҳ»
22.00 Х/ф «Посейдон»
00.00 Миксер

24-mart, Shanba

07.00, 18.30 Марказ NEWS (ўзб)
07.10, 09.00, 09.45, 13.00, 17.00, 18.10, 20.20, 21.40 Ўзбек наволари
08.00, 19.00 Марказ NEWS (рус)
08.10, 14.30, 16.20 Мировые хиты
09.30 «Сайилгоҳ»
11.00 Х/ф «Посейдон»
14.00 «Премьера» (ўзб)
15.00 Теленяня
19.10 Москвада Наврўз концерт дастури
21.00 «Навбат» Рашид Холиков билан
22.00 Ҳинд киноси «Қидирув»

25-mart, Yakshanba

07.00, 18.00 Марказ NEWS (ўзб)
07.10, 14.00, 16.20, 17.00 18.10, 18.45, 20.00 Ўзбек наволари
08.00, 19.00 Марказ NEWS (рус)
08.10 Москвада Наврўз концерт дастури
09.20, 10.40, 19.10, 21.45 Мировые хиты
10.00 «Сўнмас орзулар»
11.00 Ҳинд фильми «Қидирув»
15.00 Теленяня
16.30 «Премьера» (рус)
17.30 «Юлдузли пайшанба»
18.30 «Сайилгоҳ»
21.00 «Топ-20»
22.00 Кино-SMS:
1. «Лепестки надежды». 2. «История любви». 3.«Пьянящая любовь».
00.00 Миксер

КАМАЛАК канали ҳафталик дастури

19-mart, Dushanba

12.00, 14.00, 15.40 «Клип-минутка»
12.20 «Ералаш»
12.40 М/ф «Аладдин»
14.20 Сказка «Огонь, вода и медные трубы»
16.00 М/ф «Казаки»
16.20 Х/ф «Тевтонцы идут на войну»
17.40, 19.50, 22.10 «Музыкальная дорожка»
18.20 Х/ф «Проигравший забирает всё»
20.30 Х/ф «Омут»
22.50 Х/ф «Красная планета»

20-mart, Seshanba

12.00, 13.45, 15.40 «Клип-минутка»
12.20 «Ералаш»
12.40 М/ф «Возвращение Джафара»
14.05 Х/ф «Мелкие мошенники»
16.00 М/ф «Казаки»
16.20 Х/ф «Король умер»
17.35, 19.55, 22.25 «Музыкальная дорожка»
18.15 Комедия «Оптом дешевле»
20.35 Х/ф «Затоичи»
23.05 Фильм-катастрофа «Лавина»

21-mart, Chorshanba

10.00, 12.00 «Клип-минутка»
10.20 «Ералаш»
10.40 М/ф «Аладдин и король разбойников»
12.20 Сказка «Алые паруса»
13.45 Комедия «Ворчун»
15.25 М/ф «Баранкин, будь человеком»
15.45 «Рыцарь Камелота»
17.10, 19.45, 21.50 «Музыкальная дорожка»
17.50 Комедия «Метод Хитча»
20.25 Х/ф «Жених напрокат»
22.30 Х/ф «Дом ночных призраков»

22-mart, Payshanba

12.00, 13.45, 15.10 «Клип-минутка»
12.20 «Ералаш»
12.40 М/ф «Питер Пен в Нетландии»
14.05 «Летающий корабль»
15.30 М/ф «Возвращение блудного попугая»
16.00 Х/ф «Назад на Землю»
17.30, 19.50, 22.15 «Музыкальная дорожка»
18.10 Х/ф «Элита спецназа»
20.30 Х/ф «Глаза ангела»
22.55 Х/ф «Мгновения Нью-Йорка»

23-mart, Juma

12.00, 13.45, 15.10 «Клип-минутка»
12.20 «Ералаш»
12.40 М/ф «Весенние денёчки с малышом Ру»
14.05 «Аленький цветочек»
15.30 М/ф «Трое из Простоквашино»
15.50 Х/ф «Город счастья штат Техас»
17.25, 20.05, 22.15 «Музыкальная дорожка»
18.05 Х/ф «Столкновение с бездной»
22.55 Х/ф «Бетмэн-2»

24-mart, Shanba

10.00, 12.05 «Клип-минутка»
10.20 «Ералаш»
10.40 М/ф «Мадагаскар»
12.25 М/ф «Покемон-3»
13.55 Рейтинговый фильм
15.25 М/ф «Каникулы в Простоквашино»
15.45 Рейтинговый фильм
17.05, 19.50, 22.00 «Музыкальная дорожка»
17.45 Х/ф «Шпионские игры»
20.30 Х/ф «Загнанный»
22.40 Х/ф «Порода»

25-mart, Yakshanba

10.00, 12.05 «Клип-минутка»
10.20 «Ералаш»
10.40 М/ф «Мулан»
13.40 Рейтинговый фильм
15.00 М/ф «Зима в Простоквашино»
15.20 Рейтинговый фильм
17.00, 19.45, 22.10 «Музыкальная дорожка»
17.40 Х/ф «Чёрная кошка белый кот»
20.20 Х/ф «Последнее желание»
22.50 Видеобитва: 1.«Знакомьтесь, Джо Блэк». 2. «DOOM». 3. «Война миров»

O'ZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.45, 9.55, 10.50, 11.10, 12.50, 14.15, 17.10, 19.10, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.50, 17.15 Олтин мерос.
9.00 «Олам ва одам» дастури: «Юлдузнинг туғилиши».
«Болалар сайёраси»:
10.00 М/ф «Сехрли оҳу».
10.30 «Оналар мактаби».
10.55, 13.55, 19.20, 20.50 Дунё иқлими.
11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».
11.15 «Одами эрсанг».
11.35 С. Аҳмад. «Келинлар кўзголони». А. Хидоятов номидаги ўзбек давлат драма театрининг спектакли. 1 ва 2-қисмлар.
13.50 «Наврўз оҳанглари».
14.20 Б/ф «Маҳаллада дув-дув гап».
15.40 «Ўзбегим ёшлари — Бельгияда». 1-қисм.
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.25 «Эркин иқтисодиёт».
17.45 2007 йил - Иқтисоий ҳимоя йили. «Эъзоз».
18.00 «Ёшликда ўргансанг ҳунар»
18.20 «Ҳаёт манзаралари».
18.30 «Оҳанглар оғушида».
18.40 Т/с «Ошин».
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 Т/с «Оила ришталари».
21.40 «Бир ўлка-ки»
22.00 Т/с «Икки тақдир».
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
22.55 «Олам ва одам» дастури: «23, 5 даража бурчак остида».
23.20-23.25 Тунги наволар.

19-MART Dushanba

18.45, 22.30 SMS-мусиқа.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 ДАВР.
19.35 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
20.10 Кино-SMS.
20.15 UzEX.
20.20 Давр мавзуси.
20.35 Кўклам наволари.
20.55 Омон бўлинг!
21.00 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
23.15 «Саломея». Сериал.
23.45 - 23.50 Ватаним!

TOSHKENT

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 М/ф. «Ромка, Фомка ва Артос». 1-қисм.
13.05 «Аптека слушает».
13.50-14.40 «ПрофРИНГ».

18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Версия».
19.00 «Спорт уик-энд».
19.40 «Тайм-аут».
20.00 «Вести».
20.20 «Властелин горы».
21.10 «Ровесник».
21.30 «Талкин».
22.00 Х/ф «Роман с камнем».
23.40 Евромфутбол.
01.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

06.00, 10.00, 12.00 Новости.
06.10 Х/ф «Салон красоты».
07.50 «Служу Отчизне!»
08.30 М/с: «Дональд Дак представляет», «Черный плащ».
09.20 «Умницы и умники».
10.10 «Непутевые заметки».
10.30 «Пока все дома».
11.20 «Фазенда».
12.10 «Живой мир». «Планета Земля».
13.00 «Их разыскивает милиция».
13.40 Фигурное катание. ЧМ. Показательные выступления. Пер. из Японии.
15.10 «Н. Еременко. Последний пылко влюбленный».
16.10 Х/ф «Подари мне лунный свет».
18.00 «Времена».
19.00 «Цирк со звездами».
21.00 «Время».
21.45 Х/ф «Дневной дозор».
00.20 «Бермудский треугольник».
01.30 Х/ф «Луна».
04.10 Д/ф «Магия имени».

05.55 Детектив «Дело №306».
07.30 «Студия Здоровье».
08.00, 11.00, 14.00 «Вести».
08.10, 11.10 «Местное время. Вести - Москва».
08.20 «Сельский час».
08.50 «Диалоги о животных».
09.20 М/ф «Эволюция Петра Сенцова».
09.35 Детектив «Расследование».
11.20 «Городок».
11.50 «Сам себе режиссер».
12.45 «Смехопанорама».
13.15 «Парламентский час».
14.20 «Фитиль №125».
15.10 «Вести. Дежурная часть».
15.40 «Честный детектив».
16.10 «Новая волна» в Юрмале.
18.05 Т/с «Бухта Филиппа».
20.00 Вести недели.
21.00 «Специальный корреспондент».
21.25 Х/ф «Комната с видом на огни».
23.25 Х/ф «И грянул гром». (США - Германия).
01.25 Х/ф «Дорога на Арлингтон». (США).
03.35 Т/с «Доктор Вегас». (США).
04.15 Канал «Евроньюс».

05.20 Х/ф «Убийцы». (США).
07.20 М/ф: «Трое из Простоквашино», «Каникулы в Простоквашино».
08.00, 10.00, 13.00, 16.00 «Сегодня».
08.15 Лотерея «Русское лото».
08.40 «Дикий мир».
09.15 «Их нравы».
10.20 «Едим дома!»
10.55 «Счастливый рейс».
11.45 «Top gear».
12.20 «Авиаторы».
13.25 «Тридцатая глава».
14.00 Комедия «Роковая красотка». (США).
16.20 «Один день. Новая версия».
17.00 «Своя игра».
17.55 Т/с «Адвокат».
19.00 «Сегодня. Итоговая программа».
19.50 «Чистосердечное признание».
20.20 «Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю».
20.55 «Главный герой».
22.00 «Воскресный вечер с В. Соловьевым».
23.15 Боевик «Взрыватель». (США).
01.00 Т/с «Адвокат».
02.45 Комедия «Роковая красотка». (США).
04.25 Х/ф «Приезжая».

07.00 М/ф: «Обезьяна с острова Саругасима», «Вот так тигр!»
07.25 М/с «Приключения Рекса».
08.40, 01.05 Наши песни.
09.00, 19.00 Т/с «Саша + Маша».
09.30 «Такси» в Питере.
10.00 Драма «Иллюзионист». (США - Чехия).
12.25 М/ф: «Котенок с улицы Лизюкова», «Волк и семеро козлят».
13.00 М/с «Охотники на драконов».
13.30 М/с «Новая жизнь Рокко».
14.00 М/ф «Котенок по имени Гав», вып. 3 и 4.
14.30, 21.00 «Дом 2. Про Любовь».
15.30 Триллер «Сделка с дьяволом». (США).
18.00 Звезды против караоке.
19.30 Т/с «Женская лига».
20.00 «Битва экстрасенсов».
22.00 «Комеди Клаб».
23.00 «Секс» с А. Чеховой.
23.30 «Cosmopolitan. Видеоверсия».
00.35 «Дом 2. После заката».
01.25 «Дом 2. Любовь».
02.20 Т/с «Проклятье Розовой Пантеры». (США - Великобритания).
04.25 «Капитал».

08.00, 09.00 М/ф.
08.30 Жизнь, полная радости.
09.30 М/с «Люди Икс».
10.00 М/ф.
11.00 Х/ф «О бедном гусаре замолвите слово».
14.00 Х/ф «Арабские ночи». (США).
18.00 Х/ф «Перехват».
20.00 Киномания.
21.00 Х/ф «Алан Куотермейн и потерянный город золота». (США).
23.00 Х/ф «Даже не думай».
01.00 Т/с «Лезвие ведьм», 21 с.
02.00 Т/с «Семья Сопрано» в правильном переводе Гоблина.
03.00 Х/ф «Ход конем».
05.00 Х/ф «Дом гнева». (Япония - Гонконг).
07.00 Муз. Релакс.

09.00 Музыка.
09.05 Чемпионат анекдотов.
09.55 Тысяча мелочей.
10.25-12.10 М/ф.
12.10 Х/ф «Заговор против короны», 2 с.
14.25, 03.55 Д/с «Как уходили кумиры. И. Сорин».
15.30 «Я выжил!»
16.25 Шоу российских рекордов.
17.30 Самое невероятное видео.
18.30 Самое смешное видео.
19.00 Смешная реклама.
19.30 «Этот безумный мир».
19.55 Территория призраков.
21.00 Фабрика смеха.
21.50 Т/с «Дальнобойщики».
22.55 Т/с «Дальнобойщики».
00.00 Т/с «C.S.I. Место преступления Майами».
01.00 Т/с «C.S.I. Место преступления Майами».
02.00 Шоу рекордов Гиннеса.
03.00 Т/с «Лас-Вегас».
04.45 Ночной клуб.
06.45 Смешная реклама.
07.05 «Деньги с неба».
07.25 Музыка.

08.00 Х/ф «В дальнем плаванье».
09.30 М/ф «Цветик-семицветик».
09.55 М/с «Радужная рыбка».
10.20 М/с «Смешарики».
10.30 М/с «Просто Норман».
11.00 М/с «Улица Сезам».
11.30 М/с «Секретные материалы псов-шпионов».
12.00 «Самый умный».
14.00 «Жизнь прекрасна».
16.00 «Снимите это немедленно».
17.00 Д/ф «Мать и дочь».
18.00 Истории в деталях. Спец. выпуск.
18.30 «6 кадров».
19.10 Х/ф «Иван Подушкин. Джентльмен сыска 2». Фильм 3. «Надувная женщина для Казановы».
23.00 Х/ф «Агент по кличке Спот».
01.00 «Слава Богу, ты пришел!»
02.20 «Кино в деталях с Ф. Бондарчуком».
03.15 Х/ф «Максимальное ускорение».
04.55 Х/ф «Красотки».
07.00 Музыка.

Гувоҳлар кўрсатмаси ўтмайди

Муассасамиздаги бир ходимни бир неча йил аввал шу жойнинг ўзидаги бошқа ишга ўтказган эдик. Лекин ўша вақтда ишлаган кадрлар бўлими бошлиғининг эътиборсизлиги туфайли бу ҳақда ходимнинг меҳнат дафтарчасига ёзилмай қолган. Бу ҳолат аниқланганида эса ходимнинг иш жойи ўзгарганлиги тўғрисидаги буйруқни топишнинг иложи бўлмаяпти. Бундай вазиятда нима қилса бўлади?

З.ЭШМАТОВА,
Тошкент шаҳри

«Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага кўра, ходимнинг иши ёки унинг бошқа ишга ўтказилиши ва шу кабилар тўғрисидаги маълумотлар буйруқнинг асил нусхасига мос бўлиши керак. Агар буйруқ йўқолиб қолган бўлса ёки у ходим бажарган ишга номувофиқ бўлган тақдирда меҳнат дафтарчасидаги иши ҳақидаги маълумотлар у бажарган ишни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларга асосланиб тўғрилаб ёзиб қўйилади. Масалан, Т-2 шаклдаги шахсий варақадаги ёзув асосида.

Гувоҳларнинг кўрсатмаси меҳнат дафтарчасига ўзгартириш киритиш учун асос бўлолмайди.

Илм олувчига чегара борми?

Хорижий мамлакатлар фуқаролари ҳам Ўзбекистон олий ўқув юртларида таълим олишлари мумкинми? Улар қайси тилда таълим олишади? Бундай фуқароларни ўқишга қабул қилишда бирон-бир чеклов борми?

З.ҚУРБОНОВА,
Қамаши тумани

Хорижий мамлакатлар фуқаролари Ўзбекистоннинг нафақат олий таълим муассасаларида, балки хоҳишларига кўра умумтаълим мактабларида, касб-ҳунар ва ўрта-махсус ўқув юртларида, илмий муассасаларда ҳам таълим олишлари мумкин. Лекин улар Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг ҳукуматлараро келишувлари, жамоа ва индивидуал шартномалар асосида (тегишли тартибда рухсат олган ҳолда Ўзбекистонга келганларга) ўқишга қабул қилинади. Бундай шахслар аввал Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида дастлабки экспертизадан ва рўйхатдан ўтишлари лозим. Улар ўзбек ёки рус тилида таҳсил олишлари мумкин.

Чеклов масаласига келсак, ўрта-махсус таълим муассасаларига ўқишга кираётганлар тўлиқсиз ўрта ёки ўрта мактаб маълумотига эга ва 25 ёшдан ошмаган бўлишлари лозим.

Олий ўқув юртларига кириш учун эса 35 ёшдан ошмаган ва ўрта мактаб даражасидаги маълумоти бўлиши талаб этилади.

Олий ўқув юртлари ва бошқа илмий муассасаларнинг аспирантураси ҳамда ординатураларига эса фақатгина олий маълумотга эга бўлган, 35 ёшдан ошмаганлар қабул қилинади. Бундай шахслар аспирантура ва ординатурада таълим олишлари учун Ўзбекистонда белгиланган талабларга мувофиқ тайёрланган реферат топширишлари ёки чоп этилган ишларининг расмий тасдиқланган рўйхатини тақдим қилишлари керак.

Олдингми, қайтар!

Банкдан йирик миқдорда кредит олаётган юридик шахс кредитни қайтармаслиги хавфининг олдини олиш мақсадида кафиллик берилиши мумкинми?

Кафиллик берувчи хусусий мулкчилик асосида ташкил этилган корхона таъсисчининг розилигини олиши лозимми ёки таъсисчи томонидан хусусий корхонани чекланган ваколат асосида бошқариш тўғрисидаги меҳнат шартномасига асосан ходим томонидан ҳам имзоланиши мумкинми?

Ўзбекистон Марказий банки томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2000 йил 29 мартда 906-рақам билан рўйхатга олинган низомга тўлиқ амал қилинишии лозимми ёки чекланишлар қўлланадими?

Мазкур низомнинг 2.4-бандининг 3-қисми ва 2.8-бандида:

— кафил тўғрисидаги шартнома ёки ёзма кафолат;

— аудиторлик ташкилоти ёки аудиторнинг кафолатчининг (кафил) қониқарли молиявий аҳволини тасдиқловчи хулосаси;

— шахснинг кафил номидан (кафолатчи) кафолат тўғрисидаги шартномани (мажбуриятини) имзолаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилиши назарда тутилган.

Мазкур талабдан чекиниб аудиторлик ташкилотининг хулосаси ва мулкдорнинг розилиги олинмасдан фақат мулкдор томонидан меҳнат шартномасига асосан ёлланган иш бошқарувчи кафиллик шартномасини таъсисчининг розилигисиз ҳам имзолаши мумкинми?

Х.ХАЛИЛОВ,
Термиз шаҳри

Кафиллик олинаётган ҳар қандай кредит маблағининг қайтарилишини таъминлаш мақсадида белгиланади. Шу боис ҳам ўзингиз тилга олган Ўзбекистон Марказий банки томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2000 йил 29 мартда 906-рақам билан рўйхатга олинган низом талабига мувофиқ, ҳар қандай турдаги кредит маблағини ажратиш учун белгиланган умумий ҳужжатлар қаторида бу ҳолат ҳам алоҳида тилга олиб ўтилган. Бундай ҳужжатларга эса:

— кредит олувчининг кредит олиш мақсади ва уни қайтариш шартлари — кафолати кўрсатилган аризаси;

— кредит олувчи юридик шахс бўлганда таъсис ҳужжатлари;

— агар шахс кредит олувчининг вакили бўлса, унда кредит олувчи номидан кредит шартномасини имзолаш ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар, имзолар намуналари;

— тузилган кредит шартномасининг асил нусхаси;

— молиявий ҳисоботлар, шунингдек, халқаро бухгалтерия ҳисоботларига мувофиқ тайёрланган кредит олувчининг ариза берган кундаги баланс ҳисоботи ва пул тушуми ҳақидаги ҳисоботлари;

— агар шахс якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса унинг солиқ декларацияси ёки пенсия даромади (ижтимоий таъминотдан олаётган даромади), ишчилар сонининг қиёсламаси ва кредит олувчининг иш ҳақи миқдори (меҳнат бўйича ҳисобот);

— банкнинг ваколатли ходими томонидан кредит олувчининг кредитни қайтариш қобилиятининг лозим даражадалигини тасдиқловчи пул оқими тўғрисидаги таҳлили ҳисоботи;

— банк кредит қўмитасининг кредит берилишини тасдиқловчи кредит шартномаси, унинг муддати ва шартлари;

— кредитдан фойдаланиш мақсадларининг тавсифи.

Кафолатни бериш масаласига келадиган бўлсак, уни ёлланган ходим имзолаши учун юқорида айтилганидек, имзо қўйиш ваколатини берувчи ҳужжатлар бўлиши лозим.

Агар кредит бошқа шахс томонидан кафолатланаётган бўлса, иш ҳужжатларида сиз санаб ўтган қўшимча ҳужжатлар тақдим этилиши шарт.

Кредитни кафолатлашда низом талабларидан четга чиқишга йўл қўйилмайди.

50 ёки 100?

Мен ўрта мактаб директори лавозимида ишлайман. 2001 йилнинг сентябр ойидан буён Ж.Ҳожимуратов деган киши бизда тарих фанидан ўқитувчилик қилиб келмоқда. У ишга кираётганда мактаб маъмуриятидан ўзининг ногиронлигини яшириб, ҳақиқий ҳолатни кўрсатмаган. Кейин билсак, у илгари Қорақалпоғистон ИИВ тизимида бир неча йил ишлаб, пенсияга чиқиши муносабати билан ишдан кетган экан. Ҳозирги кунда у ҳам пенсиясини, ҳам иш ҳақини тўлиқ олиб келмоқда.

Унга аслида иш ҳақи тўлиқ миқдорда тўланиши керакми?

А.ДОСПАНОВ,
Нукус шаҳри

Ходимнинг меҳнатига ҳақ у бажараётган ва эгаллаб турган лавозим учун тариф сеткасида белгиланган миқдорда тўланади. Белгиланган иш ҳақини фуқаронинг ногиронлиги туфайли камайтириш ёки кўпайтириш мумкин эмас.

Агар фуқаро пенсияга чиққанидан кейин ҳам ишлаётган бўлса, бу ҳолат унинг иш ҳақига эмас, балки олаётган пенсияси миқдорига таъсир қилиши мумкин. Чунки «Ишлаётган пенсионерларга нафақа тўлаш тартиби»га мувофиқ, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига, уларга тенглаштирилган шахсларга, I-II гуруҳ ногиронларига, шунингдек Чернобил фалокатида зарар кўрган фуқароларга пенсия 100 фоиз, қолган барча пенсионерларга белгиланган пенсиянинг 50 фоизи тўланади.

Транспортда кимлар бепул юради?

Мен асосан шаҳар жамоат транспортида юраман. Кўпинча транспортда бўладиган асосий жанжаллардан бири бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланиш масаласига бориб тақалади. Бундай можаролар кўпинча пенсионерлар ва милиция ходимлари билан бўлади. Аслида бепул юриш ҳуқуқидан кимлар фойдаланиши мумкин?

Д.АЛИМОВ,
Тошкент шаҳри

«Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги қонунга кўра, бундай ҳуқуқдан фақат:

— 1941 — 1945-йилларда-ги уруш қатнашчилари;

— 1941 — 1945-йилларда-ги уруш ногиронлари ва урушнинг I гуруҳ ногиронига ҳамроҳлик қилувчи шахс;

— 1941 — 1945-йилларда-ги уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнати ва бенуқсон ҳарбий хизмати учун орден ва медаллар билан тақдирланган шахслар;

— Афғонистон ва бошқа мамлакатларнинг ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ байналмилалчи жангчилар;

— ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар, старшиналар, прапоршиклар, катта прапоршиклар, мичманлар ва катта мичманлар;

— Чернобил АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошдан кечирган шахслар;

— кўзи ожиз ногиронлар ва кўзи ожиз ногиронга ҳамроҳлик қилувчи шахс фойдаланиши мумкин.

Судга бормаслик учун сабаб

Судда кўрилаётган фуқаролик ишлари чўзилиб кетган ҳолларга кўп дуч келамиз. Уларнинг аксариятига судга келиши лозим бўлган шахсларнинг ўз вақтида келмаслиги, судлар эса бундай шахсни мажбуран келтириш чораларини ҳар доим ҳам кўрмаслиги сабаб бўлади. Агар шахсни мажбуран келтириш юзасидан суднинг ажрими чиққан бўлса, лекин оилавий сабаб туфайли судга чақирилган куни боролмаса, уни мажбурлаб олиб кетиш мумкинми?

Н.ДОЛИМОВ,
Кўрғонтепа тумани

Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбуран келтиришни тартибга солувчи йўриқномага кўра, суднинг ажримига мувофиқ шахсни олиб келиш топширилган ички ишлар органлари ходимлари шахснинг қочиб кетганлиги, таътилдалиги, сафардалиги, оғир касаллиги ёки бошқа сабаблар (табиий офатлар, кичик ёшдаги фарзандларининг мавжудлиги ва уларни парваришлашни бошқа бировга топширишнинг иложи йўқлиги, транспорт ҳаракатида узоқ муддатли танаффус бўлиши ва ҳ.) туфайли имкони йўқлигини белгилагач, бу ҳақда далолатнома тузади ва уни фуқаролар йиғини раиси имзолайди. Далолатномага ички ишлар органи бошлиғи тасдиқлаган билдирги ва узрли сабабларни тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси илова қилинади.

БУЗҒУНЧИНИНГ КАСОФАТИ

Бузғунчининг касофати ўзидан бир тош илгари юради. Бундай кимсалар ғараз мақсади йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдилар.

Нурим бобо Дўлановнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) пенсияга чиққанига уч-тўрт йил бўлди. Ўзи қўли гул дурадгор уста. Шунданми, сира тинчимайди. Бир қараса ўзининг томорқасида куймаланади, бир қараса қўни-қўшнининг синган ойнаси ўрнига бошқасини қўйиб беради. Буюртма тушганда эшик-дераза ясайди. Хуллас, айримларга ўхшаб кексайдим, энди оёқ узатиб, борини еб ётиш керак деган фикрдан йироқда.

Бироқ, у ҳамма билан ҳам тил топишиб кетолмайди. Тоғ бағрида жойлашган бу қишлоқда яшаётганига ўн беш йилдан ошди. Тўй-маъракаларда нимадандир безовталаниб, қанчалик синашта бўлмасин атрофдагиларга шубҳа билан қарарди. Шунинг учун қишлоқ аҳли унинг ўтмиши ҳақида деярли ҳеч нарса билишмасди.

Узунқулоқ гапларга кўра бобонинг икки ўғли, икки қизи бўлиб, ҳаммаси уйли-жойли, ўз тирикчиликлари билан андармон эдилар. Аммо бобо негадир биринчи аёли билан муросаси келишмай, уй-жойидан кечиб кетган. Насиба тортиб шу қишлоққа келиб қолганди.

Ўша мудҳиш жиноят содир этилган куни қиш чилласи охирлаб қолганди. Нурим бобо одатдагидек саҳарда томорқасига йўналди. Нонушта тайёр бўлгунча ул-бул юмушларни бажарган бўлди. Қиз бола бўлса ҳам меҳнатга ўргатиш керак дея ўн икки ёшли Ситорани ёнига чақирди. Қиз йўлак чеккасида кўзларини ишқалаб бир муддат туриб қолди.

— Ситора, онанг борми? Уйда бўлса бу ёққа чақир.

Қиз овоз қай томондан келаётганини англай олмай атрофга аланглади.

Бу пайтда отаси Нурим бобо ерга энкайиб жўяқларда ётган шохшаббаларнинг қолдиқларини тергилар, онаси Замира Тилакова ҳам томорқада куймаланарди. Аммо аёл девор-дармиён қўшнисининг овозини эшитса ҳам индамай ишини давом эттираверди.

— Онамми, ҳа, уйда. Ота, ҳамсоя тоға онамни сўраяпти, нима дей?

Бироздан сўнг суст овозда жавоб қайтарди:

— Онам сигир соғаётган экан. Ҳозир чақираман.

«Ҳамсоя тоға»нинг саҳарлаб аёлини сўроқлашидан Нурим бобонинг вужуди музлаб кетди. Секин қаддини кўтариб, қўшниси Сайфулла Тўхтаевга зардали тикилди.

Келишиб олгандек хотини ҳам ишини ташлаб синовчан назар ташлади. «Ҳамсоя тоға» ҳам унга худди муҳим гапи бордек ғалати кулимсираб қошларини чимирди.

Аёл қўшнининг мақсадига тушунолмай каловланди...

«Ҳамсоя тоға» ота-бола ва аёлга бемаъно тикилиб турди, сўнг шарт бурилиб уйи томон кета бошлади. Дарвоза ёнида тўхтаб, бошини илкис улар томон бурди-да:

— Ситора, қўй, чақирма, онангни сўраб нима ҳам дердим, — деди қўл силтаб. Кейин нақшинкор дарвоза тарақлаб ёпилди.

Бу пайтда Нурим бобонинг аёли Замира бошини ҳам қилганча турарди. Сал ўтмай у ҳеч нимани эшитмагандек ошхонага йўналди. Кетаётиб «чойдан бир хабар олайчи, қайнабдими?» дея вазиятни юмшатишга уринди.

Уста Нуримнинг юраги тилкапора бўлиб турганди, аёлнинг ўзини бундай тутиши ўлганнинг устига тепган бўлди. Муштлари тугилди, қаҳрли нигоҳлари бир нуқтага тикилиб қолди. Қани энди шу пайтда қўлига бирон нима тушсаю, хотинини бурда-бурда қилиб ташласа.

Аслида бундай қила олмаслигини, бунга юрагининг туб-тубида аранг милтиллаб турган ҳамият йўл қўймаслигини сезиб турарди. «Ахир у хотинининг уйида сиғиндидек яшаб юрибди. Энг ёмони — билагида қуввати йўқ, кундан-кун умри поёнига етиб бораётганини сезиб юрибди. Кексайганда кимнинг ҳам эшигига бош уриб борарди».

Нонушта пайти ҳеч кимдан садо чиқмади. Кекса ота, касалманд она ва ёлғиз қизнинг ҳар бири ўз хаёли билан банд. Шу куни дастурхонга фотиҳа ўқилмади.

Кун бўйи эрталабки воқеаларни тарозига солиб-кўрди. Ўйлаб қараса икки-уч йилдан буён хотинининг авзойи бошқача. Келишмовчиликларнинг охири шундай якун топарди: «Сиз бу рўзғорда эр ёки ота эмас, бор-йўғи қул, қаролсиз». Замира ҳатто ёлғиз қизи олдида ҳам бундай гапларни айтишдан тап тортмасди.

Кечки пайт ҳам учови дастурхон атрофида яна талқон ютгандек ўтиришди. Номигагина телевизор кўришди. Сал ўтмай Ситора хонанинг чеккасига ўрин солди. Онабола ухлашга ётдилар. Нурим бобонинг кўзи телевизорда, аммо чиркин хаёллар унга тинчлик бермасди.

Рутубатли тун анча чўзилди. «Бугун ҳаммасининг баҳридан ўтаман».

Тишини тишига босиб она-боланинг ёнидаги ўрнига чўзилди. Хотини унга қайрилиб қарамади.

«Нима дейсиз, чидасангиз шу, хоҳламасангиз катта қўча, борган жойингизга бораверинг. Сиздан бошқаси ҳам бор. Керак бўлса кўзингизнинг олдида ҳам бирга бўлишим мумкин».

Уйқу аралаш айтилган гаплар оловга ёғ пуркагандек бўлди. Эркакнинг қўл-оёқлари энди ақл-идрок измидан чиқиб, аёлининг дуч келган жойига келиб урилаверди.

Қўлига сандал устида турган пичоқ илашди. Кўз очиб юмгунча заифанинг танаси қоп-қора қонга беланди.

Шовқиндан уйғониб кетган қиз бақириб йиғлай бошлади.

«Ўчир овозингни. Кўрпани ёп. Унингни чиқармай ухла. Бўлмаса сени ҳам сўйиб ташлайман».

Таҳдидли ҳайқириқдан кейин боши танасидан ажратилган онанинг ёнидаги ўрин-кўрпада қизча ҳам жимиб қолди.

Нурим бобо қонга беланган тана тепасида узоқ турди. Кейинги ҳаракатларининг барчаси ғайритабиий равишда рўй берди.

Ташқарида аёз тобора забтига оларди. У костюм-шимини кийиб ҳовлига чиқди. Бир ҳафта бурун ўн килолик идишда озроқ бензин келтириб қўйганди. Яшириб қўйган жойидан олди. Дарвозахонага етгач, қўлидаги идишни ерга қўйиб бироз тин олди. Сўнг шу ерда оқ бўзни олиб арматура бўлагига маҳкамлаб ўради.

Илдам қадамлар билан «ҳамсоя тоға» неварасининг уйига ўтаётганига ишонмаганлиги учун қўраётган иморат ёнига етиб борди. Бензин идишнинг қопқоғини базўр очди. Қўл-оёғидаги қалтироқ бутун аъзоибаданига ёйилди. Титраб-қақшаб чўнтагидан гугуртни олиб, ёнига қўйди. Ўзи билан бирга олиб келган анжомларни атрофига батартиб жойлаштирди. Бўғзидан ўкирик отилиб чиқди: «Билиб-билмай қилган гуноҳларимни ўзинг кечир».

Сўнгра оқ бўз ўралган арматура бўлаги устига бензинни қуйди. Пайпаслаб гугуртни қидирди. Қўлига бензин идишнинг қопқоғи илашди. Идишнинг оғзини маҳкамлади. Қопқоқни қайта-қайта бураб кўриб, ишонч ҳосил қилгач, идишни ўзидан сал нарироққа олиб бориб қўйди. Қайтиб келиб хасхашак орасидан гугуртни осонгина топди. Машъала лоп этиб аланга олди. Уни ойнасиз деразадан уй ичкарисига ирғитди.

Энди у хотиржам эди. Қоронғида ҳам ялтиллаб турган пичоқни олиб Мираки қўрғонидаги ички ишлар бўлимига қарашли қўриқлаш бўлимига йўл олди. Пичоқни ашёвий далил тариқасида топширди. Айбига иқрор бўлиб, ушбу қотилликка дахлдор барча маълумотларни айтиб берди. Шунингдек, марҳум аёли ва ҳамсояси ўртасидаги нопок муносабатларни ўз кўзи билан кўрмаганини, шубҳагумонларининг барчаси бор-йўғи бефарқлик, ҳаё ва андиша унутилишининг оқибати эканлигини билдиришни ҳам унутмади.

Б.ИСМАТОВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Сохта тадбиркорлик

Тадбиркорлик билан шуғулланишни ният қилган киши аввал унинг йўл-йўриғини ўрганиб, фойдаси-ю зиёнини тарозига солиб кўради. Тадбиркорликни эплаган, меҳнатдан кочмаган одам борки, ҳам ўзига, ҳам эл-юртга наф келтиради. Бундайларнинг ҳамиша дастурхони тўкин, юзи ёруғ.

Ҳукумат томонидан тадбиркорлик қўллаб-қувватланиб, кенг имкониятлар яратилаётган бир шароитда бу табиий. Бироқ, шундай жараёнда шахсий манфаатини устун қўйиб, ноқонуний даромадга эга бўлишга интилувчилар учраб туради. Тадбиркорликка сохтакорлик аралашган жойда жиноят пайдо бўлади. Жиноят эса жазосиз қолган эмас.

Убайдулла Фузаилов ҳам бундан тўрт йил аввал масъулияти чекланган жамият таъсис этиб, яхши ниятлар билан уни «Elga darmon» дея номлаган эди.

Аммо, «Elga darmon»да ишлар юришиб, ҳисоб-рақамидаги пуллар кўпая борган сари корхона бош директорининг ҳаловати йўқолди. Аввалига борига қаноат қилиб, тадбиркорликка оид қонун-қоидалардан четга чиқмай келаётган директор нима бўлди-ю, ҳисоб-рақамидаги пулларни нақдлаштириш ҳаракатига тушди.

Шундай кунларнинг бирида, аниқроғи 2006 йилнинг 14 июлида у корхона офисига хурсанд кайфиятда кириб келади. Бу хурсандчиликнинг сабаби тезда аён бўлади: у корхона ҳисоб-рақамидан роппа-роса 24 миллион сўмни ноқонуний равишда нақдлаштириш чорасини топган эди.

У О.Г. исмли тадбиркор билан танишиб, шунча миқдордаги пулни унинг ҳисобига ўтказиш эвазига пулнинг 95 фоизини нақд олишга келишиб олган эди.

Корхона ижрочи директори ва бош ҳисобчисига ҳозироқ тўлов топшириқномаси ёзишни тайинлаган бош директор «арзон қурилиш моллари чиқиб қолди, вақтида ҳаракат қилмасак қўлдан кетади» дея ўзича изоҳ беради. Унинг бу чўпчагига гўёки ишонган ходимлар тўлов қоғозини тайёрлаб, унга бажонидил имзо қўйиб беришади.

Шу тариқа «Elga darmon» МЧЖ ҳисоб-рақамидан тадбиркор О.Г. нинг ҳисоб-рақамига 24 миллион сўм «қурилиш моллари учун» ўтказиб берилади. Кейин аслида тузилмаган шартномага асосан ходимлардан бирига ишончнома тайёрлаб беради.

Бош директор бу билан Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари талабини қўпол равишда бузади.

Қўлига тегадиган пулни тезроқ олиш учун тадбиркор О.Г. га қўнғироқ қилиб, учрашиш жойини белгилайди. Учрашув жойида О.Г. дан 22 млн. 800 минг сўмни санаб олган У.Фузаиловнинг қувончи узоққа чўзилмади. Қонунбузар тадбиркор Ўзбекистон Бош прокуратураси хузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти ходимлари томонидан жиноят устида фош қилинди.

Шунингдек, текшириш жараёнида «Elga darmon» МЧЖ бош директорининг бошқа қилмишлари ҳам аниқланган. Хусусан, расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумот ва ёзувлар киритиш орқали солиқларни тўлашдан бўйин товлаб келган. Корхонанинг солиққа тортиладиган товар айланмасини камайтириб кўрсатиб, давлатга 2 млн. 132 минг 700 сўм зарар етказган.

Бундан ташқари, «Elga darmon» МЧЖ бош директори дори-дармон ва тиббий воситалар билан савдо қилишга фақатгина юридик шахслар ваколатли ҳисобланишини билгани ҳолда якка тартибда ишловчи тадбиркорларга ҳам бундай маҳсулотларни етказиб бериб, 1.384.500 сўм, рухсатномага эга бўлмай туриб улгуржи савдо билан шуғулланиб 2 млн. 238 минг 600 сўм ноқонуний даромад олган.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судида сохта тадбиркор У.Фузаилов содир этган жиноятлари учун тегишли жазосини олди.

Ҳар бир инсон, жумладан, тадбиркор ҳам фаровон ҳаётга интилиб яшайди. Бу табиий. Лекин иқтисодий жиноятлар ортидан келган фаровонлик вақтинча эканлигини унутмаслик керак.

Ҳамид АКРАМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси АМИБ терговчиси

Ойнгни соғиндингми, қизалоқ

Исроил ИБРОҲИМОВ

Денгиз бўйидаги баланд қоянинг ясси юзида қад ростлаган оппоқ вилла парвозга чоғланган лочинни эслатади. Ёзилган икки қаноти остидаги оқ мармар айвонларидан мафтункор манзара кўзга ташланади. У саҳарда чўчиб уйғонди. Айвонга чиқди. Уфққача бепоён, ложувард тўлқинлар жимирлаб, кўзини қамаштирди. Мовий денгиз узра чағалайлар чуғури юрагини ўртади. Уйқусираб йиғлаётган Еленага кўкрагини тутган дамлар хаёлида жонланиб, киприклари намланди. Қумли соҳилда бармоқчаси билан офтоб расмини чизиб ўтирган қизалоғини тўсатдан бургут чангаллаб, кўкка учди. Беш яшар гўдак қўлчаларини аясига узатганча чинқираяпти. У қирғоқ бўйлаб, бургутнинг сояси ортидан югуриб етолмаяпти... Ўзича тушининг таъбирини яхшиликка йўйишга нечоғлик уринмасин, кўнгли ғаш.

— Хайрли тонг, — Александр ортидан келиб елкасидан қучди. — Ие, бу нимаси?

— Ленани соғиндим, — кўксига бошини қўйиб пиқ-пиқ йиғлади.

— Шуям муаммоми? Беш-олти кун сабр қил. Афинадаги ишларимни битказсам, бирга учиб борамиз. Уни аллақачон олиб келишимиз керак эди!

— Ўзим олиб кела қолай! — кўзларига ёлворгудай термулди.

— Бўпти. Самолётга билет буюриб қўяман.

— Раҳмат, азизим! — Мария унга кўнгил қўйиб, турмушга чиқиб янглишмаганига яна бир бор шукур қилди. Улар Фарғонадаги зиёфатда тасодифан танишиб қолишди. Меҳмон шарафига грекча рақсни маромига етказиб ўйнаган раққоса Александрнинг юрагидан урди. Ўтган асрдаги сўнгги уруддан кейин муҳожир бўлиб Фарғонада бошпана топган бобо-момоси, отаси ва онаси ўн бир-ўн икки яшарлигида Грециядан қайтишди. Александр баъзан болалик чоғлари кечган диёрни қумсаб соғинар, бирон бориб келишга имкон тополмасди. Етакчи клублардан бири – «Олимпиакос»нинг ўнг қанот ҳужумчиси йигирма етти ёшида мамлакатининг футбол юлдузлари қаторидан жой олган, машқлар-у ўйинлардан ортиб, уч-тўрт кун ота-онаси бағрида дийдорларига тўйишга ҳам вақти йўқ эди. Айнан шунинг учун, интизорлик кўнглини совутиб, хотини бошқа эрга тегиб кетганди. Александр футбол майдонида ишлаб топган пулига Эгей денгизининг яшил оролларидан бирида орзусидаги виллани қурдирган, унда пенсияга чиққан ота-онаси туришарди. Ойда бир уларни кўриб кетарди. Тренер Ўзбекистонга борамиз деганида юраги ҳапқирди. Фарғонада «Нефтчи» командаси билан 2:2 ҳисобида якунланган ўртоклик учрашувидан сўнг, чарчаган бўлса-да, тунги шаҳарни кезди. Болалигида ўрганган ўзбекча, русча забонни унутиб юбормагани аскотди. Сўраб-суриштириб топиб борган, Амир Темур кўчасидаги тўрт қаватли таниш ғиштин бино қаршисида хотиралар оғушига кўмилди. Яқин орадаги ресторанда аллақандай зиёфат қизиган эди. У оркестрдан грекча куй чалиб беришни сўради. Нафис рақси мафтун этган раққосани столига таклиф қилди.

— Бир кўришдаги муҳаббатга ишонасизми?

— Ишонмайман. Оғзим куйган, қатиқни ҳам пуфлаб ичаман.

— Сизни севиб қолдим. Кўзларингиз айтаяпти, мен ҳам сизга ёқиб турибман. Олиб кетай, юринг мен билан!

— Яна куйиб қолмай!

— Никоҳимга оламан!

— Кўнглимдаги йигит, дангалчи эканси. Мен ҳам дангал айтиб қўяй. Лена боғчадами? Эрта ё индин бораман. Акам келдими? Хотини билан? Жуда соғинганман ҳаммангизни. Тушларимга кириб чиқасиз. Шу боришимда қизимни олиб келмоқчиман. Хўп десаларингиз, сизларни ҳам... Беш-олти кун томоша қилиб кетардингиз. Бўпти, кўришгунча хайр!

* * *

— Қоламиз шу ерда. Йўлкирага аранг пул топиб келганман.

— Бунақа ичишингга тоғ ҳам чидамайди-ю, болам, – Фёдор Михайлович стол устидаги яримлаган шишани олиб қўяётганда Борис қўшқўллаб чангаллади.

— Яна бир қултум... Марияннинг келиши шарафига...

— Аввал келсин!

— Ростдан Ленани опкетмоқчимикан? – икки қундан буён нечанчи бор ўсмоқчилади Галина.

— Бечора неварам ҳам ойисини соғинган... – деди чол.

— Майли, мен мактабга ўтай-чи, кеча иш ваъда қилишган.

— Кўзлари учиб турибди сенга! — Борис тағин хотинини майна қилди. Унинг аврашларига учиб Смоленскдаги қариндошларини қоралаб борди-ю... Қўлида гулдай ҳунари бор – газпайвандловчи, бироқ кўнглидагидай иш топилмади. Галинанинг тоғаси ҳам қўллаб юборай демади. Бировнинг уйида ижарада туриб, бор пулларини совуришди. Мария Грециядан Смоленскка икки марта пул жўнатди. Учинчи бор «узр, ҳозирча ҳеч нарса беролмайман» дея илтижоларини рад этди.

— Одам пулга кўмилган сайин хасислашиши тўғри экан. Ундан нима кетди?..

— Ҳа, энди, елкасига миниб ол, — Фёдор Михайловичнинг жаҳли чиқди. — Манавини бас қилмасанг, ҳеч қаерда, ҳеч қачон косанг оқармайди!

Аэропортга қизини кутиб олгани чиққан Валентина Сергеевна билан Мария кириб келишди. Фёдор Михайлович уни бағрига босди. Борис аранг оёққа турди.

— Хўш кўрдик...

Отаси маст ўғлини қўлтиқлаб ётоқхонадаги кароватга ётқизиб чиқди.

— Лена кўринмайди? — сўради Мария.

— Боғчада.

— Ойим билан йўл-йўлакай кирдик. Тарбиячи қизингизни холаси олиб кетди деди-ю...

— Галина олгандир, ҳозир кеп қолишади.

Марияннинг кўнгли алланечук бўлса-да, сездирмади. Дадаси ва ойисига келтирган совғаларини топширди. Дастурхонни қайтадан тузади. Уни саволларга кўмиб ташлашди. Гап билан бўлиб, қанча вақт ўтганини билмай қолишди. Эшик қўнғироғи жиринглаб, Мария даҳлизга учиб чиқди.

— Яхши келдингми, жонгинам, — Галина у билан ўпишиб кўришди.

— Лена қани?

— Боғчададир...

— Сиз... олганингиз йўқми?

— Йўқ...

— Эй худойим, — Мария шошапиша кийинаётганида телефон жиринглади.

— Сени сўрашаяпти, — Фёдор Михайлович гўшакни унга узатди.

— Алло. Ҳа, ҳа. Нима?.. Бўпти. Хўп-хўп. Қизғинамнинг овозини эшитай. Айтганларингни қиламан... Бунча йўқ ёнимда. Икки кундан кейин... Эртага дейсизми? Уриниб кўраман!

Мария стулга беҳол ўтириб кафтларини юзига босганча йиғлаб юборди.

— Нима бўлди, қизим? — Валентина Сергеевнанинг юраги эзилиб, рўмолча тутди.

— Лена... — у телефон қилган аёлнинг «ҳеч ким билмасин» деган огоҳлантиришини эслаб, тилини тишлади. Баҳона топди. – Касалхонада экан.

— Нега ўтирибсан, юр!

— Мен ўзим бораман, ойи. Бетимни ювиб олай.

У ваннахонага кириб, қўл телефонида Александрга қўнғироқ қилди-ю боғлана олмади. Гўё касалхонага отлангандай кўчага чиқиб қаёққа боришини билмай, гарангсиб тураверди.

Нима қилсин? Дардини кимга айтсин? Эртага соат ўнгача шунча пулни қаердан топади? Битта-ю битта чораси...

* * *

«Ҳали бунақаси бўлмаганди, — деди ўзига ўзи тезкор-тергов гуруҳига бошлиқ этиб тайинланган Собиржон Аслонов. — Чет эл фуқаросининг боласини ўғирлаб, қайтариб бериш эвазига йигирма минг доллар талаб қилиш...».

– Йўқ, у хотинни танимайман, – йиғламоқдан бери бўлди тарбиячи.

– Танимаган-билмаган одамга нега бервордингиз болани?

– Қўшнисиман, ойисини кутиб олгани чиқамиз, «ойингни соғиндингми, қизалоқ?» деса ишонибман-да. Кўп бўлади бунақаси, қўни-қўшнилар болаларига қўшиб олиб кетишади.

Тарбиячи уни тасвирлаб берди. Ўзбек аёл. Ўттиз ёшларда, сочи калта қирқилган, зиёлинамо кийинган, манглайининг ўнг тарафида холи бор...

«Бола ўғриси Мария қизчасини олиб кетгани келаётганини билишган. Билганлар орасидан қидириш керак уларни».

– Пенсиядаги одамман, кўчага онда-сонда чиқаман, – деди Фёдор Михайлович. – Қизим келаяпти деб бировга оғиз очганим йўқ.

– Бутун «дом» билади. Ойим ҳаммага суюнчилаб бўлган, – гап қистирди Галина.

– Рост, битта ҳовли-уй олиб бераркан деб мақтаниб қўйибман, – хомуш тортди Валентина Сергеевна.

Келинларининг ғайритабиий асабийлашаётгани терговчида шубҳа уйғотди. Чол билан яккама-якка гаплашди. Унинг гапларига қараганда Борис билан хотини Россияга квартираларини сотиб кетишган. Ночор ахволда қайтиб келишган. Бир ҳафтадан бери чол-кампирнинг уйида тиқилиб яшашаяпти. Борис ижарага уй излаяпти. Галина эса Россияга бориб, омадини синаб кўриш учун қайнотасидан қарз сўраган. Фёдор Михайлович «сенга берадиган пулим йўқ, Марияндан ҳам умид қилма» деганидан кейин тарвузи қўлтиғидан тушган.

Тарбиячининг «зиёлинамо аёл» деганини эслаб Собиржон Галина илгари ишлаган мактаб директорига учради. Муаллимларнинг суратларини сўраб олди. Кечки пайт боғчанинг тарбиячисига телефон қилиб, кабинетига чақирди.

– Диққат билан қараб кўринг, ораларида борми?

– Манавига ўхшайди... Балки адашаётгандирман.

Марҳабо Комилова – немис тили ўқитувчиси, Қирғулининг Кўкон кўчасидаги беш қаватли уйда саккиз яшар ўғли билан яшайди. Бултур эри уни суюқоёқликда айблаб ажрашган. Эътиборга молик томони шуки, Галинанинг энг яқин дугонаси экан. Подъезд олдида ғийбатлашиб ўтирадиган қўшни хотинлардан бири «шомда уйига ёлғиз қайтди» деб ишонтирди.

– Қизчани бошқа биронта уйга яширишган, – деди Собиржон Аслонов. – Марҳабони ҳозир ушлаб сўроқ қилсак, тонади. Биз билмаган шериклари ҳам бўлиши мумкин. Изни йўқотиш учун қизчани бир нарса қилиб қўйишса... Таваккал қилолмаймиз.

– Мария пулни қачон, қаерда беради, вақти-соатини белгилашганми?

– Йўқ, эрталаб телефонда айтишса керак.

– Галина билан Марҳабонинг ҳар қадамидан огоҳ бўлинглар. Чўчитиб қўйманглар!

– Хўп бўлади.

– Пулни олаётганда ушлайсиз. Эҳтиёт бўлинглар, қўлларидан ҳар бало келиши мумкин. Қизчага гард юқмасин!

Терговчи прокурорнинг ҳузуридан чиқиб, йигитларга топшириқ бергач, уйига телефон қилди.

– Мени кутманглар!

«Тунни бедор ўтказишлари аниқ». Собиржон Фёдор Михайловичнинг уйига йўл олди. Оила аъзолари жамулжам. Борис уйқудан туриб, ҳушёр тортган. Бошларига тушган қулфат юрагини тилкалагани кўриниб турибди. Галинанинг кўзлари олазарак. Аввало уни хотиржам қилиб қўйиши керак.

– Ленани афтидан бошқа шаҳарга олиб кетишга улгуришибди. Кўлимиздан келган ҳамма чорани кўрдик. Лекин...

У йиғлайвериб кўзлари қизарган Марияга юзланди.

– Шартларига кўниб, пулни беришдан бошқа чора йўқ.

– Ҳаммасига розиман, қизимни қайтаришса бас. Аммо ёнимда шунча пул йўқ-да!

– Борини бериб, қолганини кейин бергани кўндиришга ҳаракат қилиб кўринг. Қизингиз омон бўлса бўлди, пул топилаверади.

– Сизлардан умид қилгандим...

Терговчи Мария билан аввалдан келишиб олганидай «иложсизмиз» дея қўлларини ёзди.

Эрталаб Галина мактабда Марҳабо билан кўришди. У директордан жавоб сўради. Оломонга сингиб, деҳқон бозоридаги телефондан Марияга қўнғироқ қилди.

– Тоғдингизми?

– Ярмини... Қолганини эртага...

– «Нурхон» кинотеатри ёнига, йўлга чиқиб туринг.

Унинг ёнида «Тико» тўхтади.

– Мария сизми? – ҳайдовчининг саволига жавобан у бошини ирғади.

– Мен билан юраркансиз.

Беш юз қадамча нарида тўхтаган машинага малласоч, қора кўзойнак тақкан аёл чиқди.

– Ёнингиздами? – деди машина қўзғалганида.

– Мана, қизим қани?

– Мен тушган жойда чиқади.

Теннис кортининг рўпарасида малласоч аёл тўхтатишни сўради.

– Ҳов ана, майда-чуйда сотаётган хотиннинг ёнида, – деб «Тико»дан тушган заҳоти йўловчига маҳтал бошқа таксига ўтирди.

– Қирғулига...

Жилишга улгурмасдан олдиларини оқ «Нексия» тўсди...

Собиржон Аслоновнинг қаршисида ўтирган Марҳабо бошидаги ясама сочни юлиб олди-ю, юзига босиб юм-юм йиғлади.

– Галинанинг буюрганини қилдим, холос... Ленани боғчадан олиб, теннис корти ёнидаги у тайинлаган танишининг уйига бир кун тура турсин деб бериб кетдим. Уй эгасининг ҳеч гапдан хабари йўқ...

– Галина-ку бефарзанд, боланг бўлатурибмиз... Ҳайф сендақа онага!

Ўн саккиз соатлик вахимали айрилиқ азоблари ортда қолди. Бағрини тўлдирган қизи билан Афинага учиш олдидан Мария прокурорга миннатдорчилик мактубини битди.

Репортаж

Ҳар фаслнинг ўз фазилати бор. Бизни соғинтирган фасллар келинчаги баҳоройга қиш ўрнини бўшатиб берди. Баҳор — яшариш ва янгиланиш фаслини ҳар йили халқимиз ўзгача эҳтиром билан қарши олади. Боғроғлар яшилликка бурканиб, дошқозонларда сумалак ва ҳалимлар тайёрланаётган бир паллада момоларимиз қўлларини дуога очиб, шундай фусункор кунларга эсон-омон етиб келганимизга шукроналар айтса, болакайларнинг шодон ҳайқириқлари, кўзларидан порлаётган севинч учкунлари бахтли кунларда яшаётганимиздан даракдир.



Байрам тараддуди

Азалдан халқимиз уйғониш фаслини зўр кўтаринкилик билан нишонлайди. Шу кунларда мабодо йўлингиз Алишер Навоий номли миллий боғ томон тушгудай бўлса, бу ерда байрам тантаналари аллақачон бошлаб юборилганига амин бўласиз. Майдон узра таралаётган карнай-сурнай садолари Наврўз кириб келганидан дарак бераяпти.

Бу ерда машҳур режиссёр Баҳодир Йўлдошевни ёрдамчилари билан қизғин иш устида учратдим. Сўнг байрам томошасини саҳналаштирувчи режиссёр, санъат арбоби Носир Отабоевдан тайёргарлик қандай кетаётганлиги ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдим.

— Репертуаримиздан халқ қўшиқлари кенг ўрин эгаллаган, — деди Н.Отабоев. — Асосий саҳнада ҳамма қўшиқлар жонли тарзда ижро этилади. Тантанада Ўзбекистон миллий симфоник оркестри, миллий халқ чолғу оркестри ва республика хор жамоаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошидаги бадиий жамоаларнинг хори иштирок этади. Бундан ташқари мақомчи ва дуторчилар ансамбллари, «Булбулча» ва «Юлдузча» болалар ашула ва рақс ансамбллари, спортчилар ҳам бу ерга ташриф буюрган. Бир қанча театрлар ўз чиқишлари орқали қадимий ҳамда навқирон байрамимизнинг ноёб қирраларини акс эттиришади. Бу ерда турли вилоятлардан келган бадиий жамоаларнинг саҳна кўринишлари намойиш этилади.

Миллий байрамимизда турли миллат вакиллари ҳам қатнашишмоқда. Республика байнадминал марказининг корейс, татар ва грек миллий марказларининг бадиий жамоалари ҳам шу ерда.Тантаналарда 4 мингга яқин иштирокчилар қатнашмоқда.

Ҳар бир дақиқа ғанимат бўлганлиги боис Носир аканинг кўп вақтини олмаслик учун ташаккур билдириб, хайрлашдим.

Миллий боғ бўйлаб кетарканман, баҳорнинг хуш ҳавосидан баҳра олиб сайр қилиб юрган айрим юртдошларимизнинг таассуротларини билишга қизиқдим.

— Асли Наманганданман, бу келиним бўлади, — деди Навоий ҳайкали томон кетаётган онахон ёнидаги қизчасини кўтариб олган аёлни кўрсатиб. — Ҳар йили Наврўз арафасида келин ва невараларим билан пойтахтимизнинг сўлим гўшаларини сайр қилиб кетаман. Ватанимиз кундан-кун чирой очиб, гўзаллашиб бораётганини кўриб кўз қувонади. Доимо юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

Чеккароқда суҳбатлашиб ўтирган ёшлар эътиборимни тортди.

— Сурхондарёлик Сайфиддин Султонов бўламан, — деди улардан бири. — Ўртоғим билан бу ерга тез-тез келиб турамиз. Айниқса баҳор кунлари боғ чиройли бўлиб кетади. Ҳар баҳор қалбан яшаргандай бўламан. Бу дамларда болалигим ўтган жойларни эслайман. От чоптириб, елиб-югуриб юрган қир-адирларнинг нафасини туйгандай бўламан.

Бу йилги Наврўз диёримизга ўзгача бир руҳда ташриф буюрди назаримда. Эзгу ниятлар билан бошланган йилнинг дастурхони тўкин бўлади. Эзгулик доим ҳамроҳингиз бўлсин.

Адолат МУСТАФОЕВА

Турфа олам, турфа одамлар

«ЖАВОҲИР ПОЛИЦИЯЧИ» ИЗИДАН

Бош ролни Мартин Лоуренс ижро этган «Жавоҳир полициячи» филмини кўриб завқланганингиз аниқ. Филмдаги воқеалар қанчалар қизиқарли ва ишонарли чиққан бўлмасин, барибир ҳаётийликдан узоқдай туюлади. Аммо 39 ёшли Брет Аллен Лэнгфорд бошқача фикрда экан шекилли, филм воқеаларини реал ҳаётга татбиқ этишга уриниб кўради.

Жиноят устида қўлга тушган қулфбузар Бретни Оранж шаҳридаги ҳибсхонага ташлашади. Шу жойга у ўзи ўғирлаган бриллиантни яшириб қўяди ва суднинг ҳукмини кутиб ўтираверади.

Тергов давомида Брет ўғирлаган 25 минг долларлик бриллиантни қаерга гумдон қилгани ҳақида чурқ этмаган бўлса-да, тажрибали терговчи таҳлиллар асосида уни айнан қамоқхонадан қидириш керак деган хулосага келган. Шу тахмин асосида ўтказилган қидирув бесамар кетмади: бриллиант қамоқхонадаги ювиниш хонаси қувури ичидан топилди.

«НАШАНИ ЎҒИРЛАТДИМ...»

Янгизеландиялик ўрта яшар аёл дунёни бошига кўтариб шикоят қилиб келганида полиция идорасидагилар ўзларини кулгидан тўхтатолмай қолишди. Сабаби, бу аёл шикоят қилиш асносида ўз жиноятини тан олаётган эди.

Воқеа бундай бўлган экан: хонимнинг томорқасига ўғирликка тушган кишилар у ерда барқ уриб ўсиб турган уч туп нашани таг-туғи билан олиб кетишади.

Яширинча наша ўстираётган хоним эса бундай бедодликка чидай олмай, тўппа-тўғри полиция идорасига югуради.

«Мен қонунга итоаткор фуқароман, лекин мулкимни ўғирлашганига асабларим дош беролмаяпти», дея ёзғирган у полициячиларга.

Бу «беозор табиат шайдоси»га нисбатан жиноят иши қўзғатилмаган бўлса-да, унга мамлакат қонунчилигида наша ўстириш таъқиқланган яхшилаб тушунтириб қўйилди. Наша ўғриларига келсак, ҳозирча уларни аниқлаш имкони бўлмади.

БУЙРАК ЭВАЗИГА ОЗОДЛИК



АҚШ сенатининг Жанубий Каролина штати қўмитаси жазо ўтаётган маҳбуслар донорлиги масаласига оид дастурни кўриб чиқмоқда дея хабар тарқатган «The Times» газетаси.

Мазкур дастурда донор жиноятчиларнинг жазо муддатини қисқартириш масаласи илгари сурилган. Сенторларнинг таклифига кўра, ихтиёрий равишда буйрагини трансплантация қилдирган маҳбусларнинг муддатини ярим йилга қисқартириш мумкин. Шунингдек, буйракка муқобил равишда жигар, ичак каби бошқа аъзоларни ҳам озодлик эвазига бериш мумкин бўлар экан. Адвокатлар бу жараёнда содир бўлиши мумкин бўлган қонунбузарликлар ҳақида баҳса киришиб кетган бир пайтда қамоқхоналарда донорликнинг маънавий жиҳатлари хусусида тарғибот ишлари бошлаб юборилди.

Бу фикрнинг пайдо бўлишига АҚШда инсон аъзоларига бўлган эҳтиёжнинг ортиб бораётгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Маълумотларга қараганда, айни пайтда бу мамлакатда 95 минг инсон донорларга муҳтож, ҳар йили 7 минг киши донорлик аъзолари етишмаслиги боис вафот этмоқда.

АҚШда битта инсон буйраги 16 минг доллар, жигар эса 37 минг доллар туради. Эслатиб ўтамиз, айни пайтда мамлакат федерал қонунчилигига кўра ғараз мақсаддаги донорлик таъқиқланган.

57 ЙИЛЛИК «СИР»

Франция суди 78 ёшли ҳайдовчини уч ойлик қамоқ жазосига ҳукм қилди дея хабар беради «Reuters» агентлиги.

Шу ёшида ҳам юк автомобилини бошқариб юрган қария нима бўлди-ю, маст ҳолда машинасини йўл четидаги тўсинга уриб олди. Шундан кейин текширув бошлаган полиция унинг ҳужжатларида антиқа вазиятга дуч келишади.

Маълум бўлишича, қария 40 йил 3,5 тонналик юк автомобилини 1949 йилда берилган ҳарбий ҳайдовчилик гувоҳномаси билан ҳайдаб юрган экан. Амалдаги тартиб-қоидага кўра юк автомобилини бошқариш учун алоҳида ҳайдовчилик гувоҳномасини олиши керак эди.

Суд унинг автомобилини мусодара қилиш билан кифояланмай, ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун қайта имтиҳон топшириш ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилди.

ЗОҲИД тайёрлади

РЕКЛАМА / РЕКЛАМА

ДИҚҚАТ! ЯНГИЛИК!

ИККИ ЙИЛДАН БУЁН РИНЗА ТАБ.№10 ДОРИСИ ЎЗБЕКИСТОНДА ГРИПП ВА ШАМОЛЛАШГА ҚАРШИ 1-РАҚАМЛИ ВОСИТА ҲИСОБЛАНАДИ

Энди РИНЗА таб.№10 голограмма билан

2007 йил 12 февралдан эътиборан «Pharmed sanoat» хусусий корхонаси дорининг аслини ва истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида уни ГОЛОГРАММА — ҳимоялаш тизимини қўллаган ҳолда ишлаб чиқармоқда. ГОЛОГРАММА дори қутисининг ҳар икки томонида жойлашган.

Сизларга ҳамиша омонлик тилаймиз!

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 399-55-00; 175-75-00

Тошкент шаҳар Абдулла Қодирий номидаги 13-ўрта мактаб томонидан Дилноза Ибрагимова номига 22 июнь 2005 йил берилган U 1523173 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Ҳарбий прокуратураси жамоаси республика ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси Иброҳим Рустамовга падари бузруквори **ЮСУПЖОН ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Ҳарбий прокуратураси жамоаси бўлим бошлиғи Аслам Холиқовга падари бузруквори **АЗАМЖОН ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Huquq yuridik gazeta

Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati: Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-98-82, 133-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Buyurtma Г — 255. 27 147 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: F.MAMASHARIPOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 21.30 1234 78